



ҲУҚУҚ

1997-йил 27-avgustdan chiqa boshlagan

www.huquq.uz

2020-Ҳ. 27-AVGUST, №34 (1231)

ИСТИҚБОЛГА БОШЛАГАН ИСТИҚЛОЛ

Шухрат УЗАКОВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг
ўринбосари – Ўзбекистон Республикаси
Ҳарбий прокурори

Ўзбекистон мустақиллигининг 29 йиллиги арафасида турибмиз. Ўтган йиллар мобайнида юртимизда давлатчиликнинг демократик асосларини яратиш ва ривожлантириш, фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида улкан ишлар қилинди.

Мамлакатимиз мудофаасининг таянчи бўлган миллий армиямизни ислох қилиш борасида ҳам улкан ишлар амалга оширилди. Қуролли Кучларимизнинг халқаро андозалар даражасида тузилганлиги давлатчилигимизнинг шаклланишидаги энг муҳим омиллардан бири бўлди. Айни пайтда бу масала мамлакатимиз хавфсизлигига таҳдид солиши мумкин бўлган турли ҳолатлар, шунингдек, жанговар операциялар йўналиши ва характерини ҳисобга олган ҳолда ҳал этилмоқда. Бу борда олдимизга қўйилган бош вазифа сон жиҳатидан катта бўлмаган, замонавий қурол-яроғ ва ҳарбий техника билан тўлиқ таъминланган армия тузиш, жангнинг энг самарали усулларини эгаллаган ва ҳар қандай душманга қарши туришга қодир бўлган қисмларни ташкил этишдан иборат эди. Ана шу жиҳатларни эътиборга олиб, ҳарбий хизматни ўташ тизими такомиллаштирилди.

Алоҳида қайд этиш жоизки, Қуролли Кучларимизни шакллантириш жараёнида кадрлар масаласига катта эътибор қаратилди. Бу вазифани ҳал этишга қаратилган муҳим қадамлардан бири сифатида Қуролли Кучлар Академияси янгидан ташкил этилди. Қуролли Кучларимизнинг ҳарбий



СЕН – ҚУДРАТ
МАНБАИ, САОДАТ
МАСКАНИ, ЖОНАЖОН
ЎЗБЕКИСТОНИМ!

тайёргарлигини юқори даражада ташкил этиш мақсадида мамлакатимизда халқаро ҳамда ички ҳарбий машғулотлар ўтказилаяпти. Уларнинг самараси ўлароқ, ҳарбийларимизнинг жанговар шайлиги чет мамлакатларда ўтказилаётган халқаро ҳарбий мусобақаларда юқори баҳоланмоқда. Албатта, бу ҳол Қуролли Кучларимиздан фахрлиниш туйғусини янада кучайтиради.

Давоми 3-бетда

29 йилда юз берган ўзгаришларнинг чеки йўқ. Одамларнинг руҳи баланд, орзулари улкан. Пандемия хавф солиб турган шу кунларда ҳам юртимизнинг деярли барча ҳудудларида йўллар, муҳташам иншоотлар қурилиши билан бирга ободонлаштириш ишлари тўхтагани йўқ.

ОБОД МАНЗИЛЛАР

Гарчи бу йил сайиллар ўтказилмаса-да, республикамизнинг ҳар бир фуқароси мазкур байрамни қувонч, кўтаринки кайфият билан қаршилашга тайёр. Ахир бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор!

Юрагида ватан муҳаббати жўш урган билимдон, тadbиркор кишилар юртимизда кам эмас. Улар ақлу заковати, билим ва тажрибаси билан мамлакат тараққиётига ҳисса қўшаёпти. Уларнинг сафи йилдан-йилга кенгаймоқда. Буларнинг бари, фахр билан айтиш мумкинки, мустақилликнинг тотли мевасидир.

Истиклол айёми арафасида «MJ Developers» халқаро девелоперлик компанияси томонидан Наманганда қуриляётган «Namangan Square» («Шаҳар ичида шаҳар») тураржой мажмуаси лойиҳаси таништирилди. Айтишларича, кўрикланадиган мазкур ҳудудда уйлар билан бирга савдо ва бизнес марказлари ҳам барпо этилади.

Мажмуа спорт ва кўнгилочар клубхусини, мактаб, болалар ва спорт майдончалари, сайр майдончалари ва паркларни ўз ичига олади.

Мазкур ҳудудда дўконлар, кафе ва рестороанлар, тунги бозордан иборат «Boulevard Plazaга» хиёбони алоҳида ажралиб туради. Бу нафақат «Namangan Square» аҳолиси, балки барча хоҳловчилар учун ҳам дам олиш маскани бўлади.

Давоми 3-бетда

МЕҲНАТ БИЛАН ТОПГАНИНГ...

БИРНИ БИРОВ БЕРАДИ,
КЎПНИ – МЕҲНАТ.

4-БЕТ



ОПА УКАСИНИ БУ ДУНЁГА СИҒДИРМАДИ...

10-БЕТ



2020 йил 26 август
соат 17:00 ҳолатига



Касалланганлар
39 964 нафар



Соғайганлар
36 402 нафар



Вафот этганлар
289 нафар

МУХТОЖЛАРГА КЎМАК

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 апрелдаги «Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳамда 30 июлдаги «Коронавирус пандемияси даврида ижтимоий химояга ва ёрдамга мухтож аҳоли қатламларини моддий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари камбағалларни ижтимоий химоя қилишда муҳим аҳамиятга эга.

Чунончи, Денов тумани прокурори секторида истиқомат қиладиган 2086 та мухтож оила рўйхати тузилиб, «Темир дафтар»га киритилди.

Шундан ижтимоий химояга мухтож оилалар 652 та, пандемия оқибатида даромадини йўқотгани 1144 та, камбағали 253 та, ногирони бори 31 та ва ёлғиз яшовчи кексалар 6 та. Туман прокуратураси ва тадбиркорлар томонидан уларга ёрдам кўрсатиб келинмоқда. Жумладан, 81 та оилага 19,7 млн. сўмлик озиқ-овқат етказилди. 21 та оиланинг 5,4 млн. сўмлик қарзи тўланди. Битта оилага 960 минг сўмлик дори-дармон, 34 та оилага 34 та қорамол берилди. 93 та оилага 7098 та товуқ ва 10 оилага 22,3 млн. сўмлик бошқа махсулотлар топширилди.

Давлат раҳбарининг 2019 йил 8 январдаги «Худудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар фаолиятини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан Навбахор тумани прокурори секторида фуқароларнинг бандлигини таъминлаш, уларни тадбиркорликка жалб қилиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди.

Жумладан, камбағал оилаларга 579 млн. сўмлик ижтимоий ёрдам кўрсатилди. Хусусан, 686 та оилага озиқ-овқат, 8 та оилага дори-дармон, 1 та оилага қорамол, 14 та оилага қўй, 95 та оилага товуқ, 50 та оилага асалари уяси, 5 та оилага куён олиб берилди.

Шунингдек, 40 нафар фуқарога ер ажратиб берилиши, 57 фуқаронинг доимий, 77 фуқаронинг мавсумий ишга жойлаштирилиши таъминланди.

Мамлакатимиз Президентининг 2020 йил 30 июлдаги «Коронавирус пандемияси даврида ижтимоий химояга ва ёрдамга мухтож аҳо-

ли қатламларини моддий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонига асосан Навбахор тумани 2-секторида «темир дафтар»га киритилган 482 та оилага 398 млн. 420 минг сўм ёрдам пули тарқатилди.

Эл бошига иш тушган бугунги синовли кунларда мухтожларга кўмаклашиш, бир-биримизга далда бўлиш бурчимиздир.

Алишер ТОҒАЙМУРОДОВ,
Денов тумани прокурори

ли қатламларини моддий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонига асосан Навбахор тумани 2-секторида «темир дафтар»га киритилган 482 та оилага 398 млн. 420 минг сўм ёрдам пули тарқатилди.

Эл бошига иш тушган бугунги синовли кунларда мухтожларга кўмаклашиш, бир-биримизга далда бўлиш бурчимиздир.

Максуд ТОШЕВ,
Навбахор тумани прокурори

JINQIYAT HAQIQATI VA ADOLATI

ПОРАХЎР ҚЎЛГА ТУШДИ

Инсон табиати қизиқ. Кимдир омади кулиб, юқори лавозимга ўтурса, белгиланган қонун-қоидалар асосида ишлаб обрўсини ошириб боради. Баъзилар мансабидан фойдаланиб, ноқонуний бойлик орттиришни истайди. Мана шундай инсонлардан бири Сардор Толиповдир (исм-фамилиялар ўзгартирилган).

У Пенсия жамғармасининг Оҳангарон шаҳар бўлими бошлиғи эди. Кунларнинг бирида унинг олдига Бекмурод Боймирзаев деган киши пенсияга чиқини масаласида келади. Сардор унинг ҳужжатларида камчиликлар борлигини, бир-икки сўм харажатдан қочмаса, муаммосини ҳал қилиб беришини айтиди. Мушқули осон бўлаётган миқдор қанча кераклигини сўрайди. Бошлиқ унга «бир миллион сўм етади» деб жавоб беради. Бу гапдан сўнг хафсаласи пир бўлган Бекмурод Боймирзаев уйга кайтаётганда таниши Нурматни учратиб қолади. Унга бўлган воқеаларни айтиб беради. Нурмат Сардорнинг телефон рақамини олиб, ўзининг телефонидан кўнғирок қилади. Суҳбат давомида танишининг иши нима бўлаётганини сўрайди. Сардор унга ҳужжатлар тайёр бўлиб қолганини

билдиради ва гап орасида хизмат ҳақини ҳам кистириб ўтади.

Орадан маълум вақт ўтиб, Нурмат Сардорнинг ишонасига бориб, сўраган пулини берди. «Кўнглингиз хотиржам бўлсин, ишни ҳал қиламиз» дея бошлиқ пулни олиб, столнинг тортмасига солиб қўйди. Шу пайт хонага ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари келиб, уни жиноят устида қўлга олишди.

Шу тарика яна бир порахўрнинг қилмиш фош қилинди. Суд Сардор Толиповга 4 йилу 4 ойга озодликни чеклаш жазосини тайинлади.

Бахриддин ДЖУМАЕВ,
департаментнинг Оҳангарон шаҳар бўлими бошлиғи

МАВСУМ ТАДОРИГИ

Фарғона вилояти прокуратураси органлари қишлоқ хўжалигида қонунийликни таъминлашга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Жорий йилда Бешарик, Ўзбекистон, Данғара туманларида 18 835 гектар ерда пахта тозалаш корхонаси негизда фермер хўжалиқларининг ихтиёрий кооперацияси ташкил этилган. Бағдод, Ёзёвон, Кува, Риштон, Фарғона, Тошлоқ, Қўштепа, Бувайда, Учкўприк, Фуркат, Олтиарикдаги 63 245 гектар майдонда пахта-тўқимачилик кластерлари усулида пахта етиштириляпти.

Ўза парвариши мунтазам равишда ўрганиб борилмоқда. Вилоят прокуратураси, агроинспекция, кадастр, сув хўжалиғи, қишлоқ хўжалиғи бошқармасининг малакали мутахассисларидан иборат иккита гуруҳ ҳар кун икки туманда мониторинг ўтказмоқда. Муаммо ва камчиликлар жойида бартараф этилмоқда. Мониторинг давомида 1,5 километр зовур тозаланди, 12 та яроқсиз насос таъмирланди, фермерларнинг 3500 гектар чанқаган экизори сўғорилди, 8300 гектар ерга кимёвий ишлов берилди.

Қонунни бузган масъул шахсларга нисбатан қатъий чоралар қўлланмоқда. Назорат тадбирларида ДСИ бошлиғи, туман хоки-

янинг ўринбосарлари, агроинспекция, қишлоқ хўжалиғи бўлими бошлиқлари, «Агрокимёхимоя» филиали раҳбарлари, сув истеъмолчилари уюшмаси ходимлари, жами 71 нафар шахс маъмурий жавобгарликка тортилди. 20 нафар масъул шахс лавозимидан озод этилди. 35 киши қонун бузилишига йўл қўймаслик ҳақида расман огоҳлантирилди. 3 та жиноят иши қўзғатилди.

Пахта теримида пухта тайёргарлик кўрилмоқда. Ҳозиргача 1520 та терим отряди тузилди, уларга ихтиёрий равишда 152 минг теримчи бириктирилди. Шундан 77 минг нафари аҳоли вакиллари бўлса, 75 минг нафари фермер хўжалиғи аъзоларидир. Теримчилар сонидан келиб чиқиб 240 та ётоқ жойи мавсумга тайёрлаб қўйилди. Терим отрядларига 1770 та трактор, 2800 та тиркама бириктирилди. Ёза парвариши ва ҳосил йиғим-теримига тайёргарлик ишлари мониторинг давом эттирилмоқда.

Нодиржон ДЖАЛОЛОВ,
Фарғона вилояти прокурорининг катта ёрдамчиси



ЖИНОЯТ КЎЧАСИДАГИ БОЛА

2020 йилда Самарқанд вилоятида вояга етмаганлар томонидан 18 та жиноят содир этилди, бу ўтган йилдагидан 21,7 фоизга кам. Бироқ назоратсизлик, қаровсизлик оқибатида айрим худудларда жиноятлар кўпайган. Уларда 27 нафар бола иштирок этган бўлиб, шундан 26 нафари мактаб ўқувчисидир.

Масалан, 12 март куни соат 17:00 да Ургут тумани Чоштепа қишлоғида яшовчи Ё.Авазовга маҳалладоши Д.Норкулов ўзaro келишмовчилик натижасида оғир жароҳат етказган.

17 май куни Самарқанд шаҳрида ўтказилган тадбирда вояга етмаган О.Эргашев 1,55 грамм нашани 600 минг сўмга сотган вақтида ушланган.

Вилоятда вояга етмаганлар ўртасида жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олддини олиш, уларнинг такроран жиноят содир этишига йўл қўймаслик чоралари кўрилмоқда. Бу борада вилоят прокуратураси ташаббуси билан тўртта сектор ва бошқа ташкилотларнинг раҳбарлари томони-

дан 2020 йилга мўлжалланган чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилиб, ижрога қаратилди.

Маъмур дастур асосида таълим муассасаларида «Барчаси ўз қўлингизда», «Келинг, дўст бўламиз!», «Ёшлар коррупцияга қарши» каби мавзуларда 600 дан ортиқ тадбир, 3057 марта профилактик суҳбат ўтказилди.

Ҳар бир бола – эртамиз эгаси. Бугун уларни турли иллатлардан асрасак, комил инсон қилиб тарбияласак эртанги кунга ишончимиз мустаҳкам бўлади.

Хурийд МУСУРМОНОВ,
Самарқанд вилояти прокурорининг ёрдамчиси

ИСТИҚБОЛГА БОШЛАГАН ИСТИҚДОЛ

Давоми. Бошланиши 1-бетда


Бундай ютуқларга чуқур ва пухта ўйланган ислохотлар асосида эришилмоқда. Ўз навбатида, ислохотларда мамлакатимиз мудофаа сиёсатининг шаффофлигини таъминлаш, хавфсизлик ва мудофаа соҳасида бошқа давлатлар билан ҳамкорлик қилиш, ҳарбий санатни ривожлантириш, кўпинларимизни замонавий курол-яроғ ва ҳарбий техникалар билан таъминлаш, ҳарбийларнинг кучли ижтимоий ҳимояси масалалари асосий ўрин эгаллайди.

Ҳарбий соҳада халқаро ҳамкорлик микёси, тажриба алмашиш кўлами кенгайди. Жойларда ҳарбий-маъмурий секторлар жорий этилди. Моддий-техник база янгиланди, ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий ҳимояси юқори поғонага кўтарилди.

Асосий эътибор армияда маънавий-маърифий ишлар самардорлигини оширишга қаратилди. Бу борада давлат ва нодавлат нотижкорат ташкилотлар ҳамда фуқаролик жамияти институтлари ўртасида кенг ҳамкорлик йўлга қўйилди.

Мудофаа тизимида профессионал кадрларни етиштиришда янги ёндашув, усул ва услублар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Барча олий ҳарбий таълим муассасаларида ва ҳарбий қисмларда моддий базани янгилаш, ўқитишда замонавий усул ва услубларни ҳамда инновацион технологияларни қўллашга аҳамият берилмоқда.

Республикамиздаги барча ҳарбий академик лицейлар буюк саркарда ва давлат арбоби шарафига «Темурбеклар



мактаби» номи билан қайтадан ташкил этилди. Уларда ўқитишнинг энг янги технологиялари ва методлари жорий этилиб, ўғлонларимизнинг таълим олиши ва яшashi учун барча шароитлар яратилди.

Ҳаётни тажрибадан маълумки, оиласидан кўнгли тўқ инсон ўз вазифасини эътибор билан, сидқидилдан бажаради. Шу жиҳатдан ватан ҳимоячиларининг ва уларнинг оила аъзоларининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш чоралари кўрилди. Ватан посбонлари узоқ муддатли имтиёзли кредитлар асосида янги қурилаган уйлар билан таъминланганга, ҳарбий хизматчиларнинг фарзандларига республикамиздаги олий таълим муассасаларига давлат гранти асосида ўқишга киришида қўшимча имкониятлар яратилгани, автомобиль сотиб олиш учун имтиёзли кредитлар ажратилиши ҳарбийларимизнинг мустақкам ижтимоий ҳимояси йўлида қилнаётган ишларнинг амалий исботидир.

Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари пенсионерларининг ижтимоий ҳимояси янада такомиллаштирилди, шу билан бирга, кадрлар тайёрлаш тизимида, ёш авлодни ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашда уларнинг бой тажрибасидан самарали фойдаланишга устувор аҳамият қаратилмоқда.

Шунингдек, Куролли Кучлар Академияси, тегишли вазирлик ҳамда идораларнинг институт, олий мактаб, ўқув марказлари ва олий ҳарбий таълим муассасаларидаги илмий ходим ва ўқитувчилар, ҳарбий академик лицей бошлиқлари, уларнинг ўринбосарлари ва ўқитувчилар ҳамда республикамиздаги касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар раҳ-

барларининг маънавий-маърифий ва тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарлари, чакирувга қадар бошлангич тайёргарлик раҳбарлари лавозимида ишлайдиган ҳарбий пенсионерлар пенсиясини ҳам, маошини ҳам тўлиқ олиши белгиланди.

Бундан ташқари, ҳарбий хизматдаги ва пенсияга чиққан ҳарбийлар ҳамда уларнинг оила аъзоларининг тиббий таъминоти борасида самарали тизим ҳаётга татбиқ этилди.

Хулоса қилиб айтганда, янгиланишлар ҳақида узоқ сўз юритиш мумкин. Бугун Ўзбекистонда ҳарбий хизмат чинакам шарафли касбга айланди. Энг асосийси, халқ билан армиянинг бирлиги, яқдбллиги амалда тўла намоён бўлмоқда.

Ҳарбийларимизнинг яратилган шароитлардан мамнулигини, халқимизнинг ҳарбийларимиздан миннатдорлигини уларнинг самимий чехраларидан ҳам илғаб олиш қийин эмас. Бу эса бизга янгидан-янги куч ва шижоат бағишлайди, ватанга астойдил хизмат қилишга ундайди.

Кўп қузатаймиз. Бугун аксарият ўғил болалардан улғайганида ким бўлишини сўрасангиз «қатта бўлсам аскар бўламан», «ватанимга хизмат қиламан» деган далил жавобини эшитасиз. Бу, албатта, буюк ажодларига муносиб, қонида ватанпарварлик ҳисси жўш ураётган ёш авлод шаклланишидан ва бу борадаги тизим самарали йўлга қўйилганидан далолат беради.

Сўзим якунида барча юртдошларимизни қутлуг айём — мустақиллик куни билан самимий муборакбод этаман. Истиқлолимиз, тинчлигимиз абадий бўлсин!

ОБОД МАНЗИЛЛАР

Давоми. Бошланиши 1-бетда

Шунингдек, «Namangan Square» кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга ҳам ўз хиссасини қўшиш кутилмоқда. Чунки қулай жойлашган, савдо майдонлари ва бизнес марказлари иктисодиётнинг ўсишига ижобий таъсир кўрсатиши мумкин.

Дарҳақиқат, Наманган кейинги йилларда санатни жадал ривожлантирган вилоятлардан бирига айланди. Айниқса, тўқимачилик, тўқувчилик соҳасида 50 га яқин корхона ишга туширилди. «Art soft tex» компанияси ушбу йўналишдаги йирик корхона бўлиб, унинг таркибиде «Текстил», «Чаманзор», «Промзона», «Нанай», «Бўстон», «Попфе» каби корхоналари самарали фаолият кўрсатмоқда. Асосийси, 2020 йилнинг етти ойи давомида улар 133,5 млрд сўмлик маҳсулот тайёрлаб, 11,8 млн. АҚШ долларига тенг маҳсулотни экспорт қилишга эришди.

Компания ҳаётида кейинги тўрт йил ўзгаришларга бой бўлди. Асосийси, ҳолдинг компанияси ташкил этилди. Бугунги кунда 60 дан ортиқ маҳсулот чет элга сотилапти. Мазкур компания тизимида ҳозирги кунда 5000 га яқин одам меҳнат қилмоқда.

Ўзбекистон истиқлолга эришганининг 29 йиллигини нишонлаш арафасида турибмиз. Бугун истибоддан қутулиш учун халқни маърифатли бўлишга қорлаган, нажот илмда, бирликда ва ҳаракатда деб билган фидойи зиёлиларнинг; уларнинг раҳнамолари бўлиш Мунавварқори, Махмудхўжа Бехбудий, Абдуллаҳўжа, Авлюний, Фитрат, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Усмон Носир сингари миллат гулларининг орзуси рўёбга чиқди.

Ватан озодлиги йўлида қурбон бўлганларни хотирлаш ҳар бир кишининг миллат ва ватан олдидаги бурчидир.

Нилуфар НИЁЗОВА,
«Huquq»

MUNOSABAT

БУРЧНИ АНГЛАШ, ҲУҚУҚНИ ТАНИШДИР

Ватанимизнинг ривожланиши ва ислохотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан халқнинг ҳуқуқий онги ҳамда ҳуқуқий маданияти даражасига боғлиқдир. Шахснинг сиёсий фаоллиги, унинг чинакам фуқаровий муносабати, демократик ислохотларга интилувчанлиги белгиланган мақсадларга тезроқ эришишнинг муҳим омилдир.

Юксак ҳуқуқий маданият — демократик жамият пойдевори ҳамда ҳуқуқий тизим етуқлигининг ифодасидир. Қонуни хурмат қилиш ҳуқуқий жамиятнинг, сиёсий ва ҳуқуқий тизимлар самарали фаолият кўрсатишининг асосий талабларидан бири ҳисобланади.

Прокуратура фаолиятида ошқоралик ва жамоатчилик билан алоқаларнинг самарали йўлга қўйилиши қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органлари томонидан мазкур йўналишда кенг қўламли ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги «Ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, мамлакатни модернизация қилиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлашда прокуратура органларининг ролини кучайтириш тўғрисида»ги фармонида аҳоли билан мулоқот қилиш, фуқароларнинг муносабатларини ўз вақтида ҳал

этиш, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш прокуратура органларининг асосий вазифаларидан бири сифатида белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 121-моддасига мувофиқ қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш максалида фуқаролар ва жамоат бирликлари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ёрдам беришлари мумкин.

Бундай ҳамкорлик фуқароларнинг ўз ҳуқуқларини яхши билишига эришиш, ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш ва қонунга итоаткор шахсни тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади. Қонунга итоаткорлик кишининг ҳуқуқий хулқ-атворини ифода этадиган хислатлар қисмига қиради. Бу хислат юртимизда азалдан юқори баҳоланган. Соҳибқирон Амир Темур ҳам «Тузуқлар»ида бу ҳақда шундай деган: «Давлат агар дину тартиб-қонда асосида қурилмас экан, тўра-тузукка боғланмас экан, ун-

дай салтанатнинг шуқуқи, қудрати ва тартиби йўқолади. Бундай салтанат яланғоч одамга ўхшарким, уни кўрган ҳар кимса назарини олиб қочади».

Ҳуқуқий маданият — умумий маданиятнинг ажралмас таркибий қисми. Инсонлар онгида шундай ипнч қарор топиши керакки, ҳуқуқий билимларга эга бўлган ва уларни амалиётда татбиқ эта оладиган кишигина маданиятли ва билимли деб ҳисобланиши мумкин.

Жамият ва давлат тараққийнинг ҳозирги ҳолати ҳуқуқий муносабатлар барча иштирокчиларининг ҳуқуқий маданиятини, ҳуқуқий саводхонлигини ҳар томонлама оширишни талаб қилмоқда. Ҳуқуқий маданият ҳуқуқий билим, ҳуқуқий эътиқод ва изчил амалий фаолият мажмуи сифатида жамият ва давлат олдида турган вазифаларнинг муваффақиятли ҳал этилишини таъминлайди.

Хулоса ўрнида айтиладиган бўлсак, фуқароларнинг ҳуқуқий фаоллиги ошса жамиятда ҳуқуқбузарликларнинг камайишига эришилади.

Рустамжон ҚУВАНОВ,
Бош прокуратура бошқарма катта прокурори

21 август куни «Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президент қарори қабул қилинди.

МЕҲНАТ ҚИЛИБ ТОПГАНИНГ...

Охирги пайтларда ижтимоий тармоқларда «Бизга ҳам ёрдам керак. Олаётган пенсиям ўзимнинг дори-дармонимдан ортмайди. Туппа-тузук яшайдиган кўшимга ёрдам пули берилибди. Менга ҳам беришса нима қилади?», «Бизга беш юз минг сўм бериб, эртаси куни қайтариб олишди. Ижтимоий кўмакка муҳтожмиз. Ишлай десак иш йўқ. Маҳалла айтган жамоатчилик ишига чиқиб ишлаш бизга тўғри келмайди» мазмунидаги хабарлар кўпайиб бормоқда. Аммо...

Мард, танти, ҳамиша ўз меҳнати билан рўзгор тебратадиган ватандошларимизга нима бўлди? «Кўлдан берганга куш тўймас» деганларидек, давлатга боқиманда бўлганимиз нимаси? Тўғри, камбағал оилаларга кўмаклашиш халқимизга хос фазилатлардан бири. Аммо бу ҳамма ижтимоий кўмакка муҳтож, уларга доимий равишда ёрдам кўрсатиш

керак дегани эмас.

Яқинда ижтимоий тармоқларда 1 миллион сўмга имзо қўйдириб, 500 минг сўм беришгани ҳақида хабар тарқалди. Мурожаат ўрганилганда маълум бўлишича, С.Т. 1 миллион сўм ёрдам пулини имзо қўйиб олади-да, турмуш ўртоғига пулнинг 500 мингини бериб, масъулар шунча пул беришгани, тўлов

қайдномасига эса 1 миллион сўмга имзо қўйганини айтиб, қолган 500 минг сўмни ўзига олиб қолади. С.Т.нинг турмуш ўртоғи бошқа эҳтиёжманд оилаларга 1 миллиондан пул тарқатилганини эшитиб, «1 миллион сўмга имзо қўйдириб, 500 минг сўм беришди» деган мазмунда хабар қолдиради. Мурожаатни ўрганиш асосида С.Т. қилмишини тан олди.

Шундай инсонлар ҳақида эшитсам синфдошим Жамшид ва Қудрат тоға ёдимга тушади. Ногирон бўлишига қарамай Қудрат тоға жуда меҳнатқаш инсон. Фарзандларининг бекаму кўст яшаши, оиласининг фаровонлиги учун ҳаракат қилади. Қудрат тоғанинг ногирон бўлиб қолганига ҳам ўттиз йил бўлди. Ушанда Жамшид 9-синфда ўқирди.

...Жамшиднинг онаси вафот этгач, отаси тез-тез бетоб бўлиб қоладиган бўлди. Қудрат тоға ниҳоят шифохонага борди. Малакали шифокорга кўришиб, муолажа олиб қайтаётганда автоалоқатга учраб, ногирон бўлиб қолди.

Энди Жамшид ўқиш билан бирга ногирон отасига астойдил қарарди. Мақтадан келиб отасини сайр қилдиран, атрофида парвона бўларди. Аммо ҳеч қимдан ёрдам, мурувват кутмасди.

Элас-элас эсимда. Ушанда киш эди. Атроф корга бурканган. Синфимиз билан Жамшиднинг отасини кўргани бордик. Иссик нон, мева-чева, ширинлик олиб йўлга отландик.


— Бундай нарса олиб келиб бизни хижолат қиладиган бўлсаларинг, бошқа келманлар, — деди бизни останада кутиб олган Жамшид. — Отамга қараш, парвариллаш кўлимдан келади. Сизларнинг ёрдами-

гизга эҳтиёжимиз йўқ. Худога шукур, рўзгоримиз бут. Яқинда томоркамизга эккан экнларимиз тайёр бўлади. Отам ҳам хунарманд. Ҳар куни икки-уч соат эгар ясайди. Раҳматли онам бизни меҳнат қилишга ундар экан, ҳар доим «Меҳнат қилиб топганинг — қанду новвот топганинг. Ҳеч қачон бировга муҳтож бўлма» дер эди. Бу сўзларнинг маъзини энди тушундим.

Ана ҳолос. Сал бўлмаса, Қудрат тоғанинг кўлигул хунарманд эканлигини айтишни унитгаёзиман. Авваллари бир кунда беш-олтита эгар ясаган уста фалоқатдан сўнг кунига икки-учта ясайдиган бўлди. Дарсдан кейин укаларига қарайдиган, отасига қарашадиган Жамшиднинг ўқиши бироз сусайди.

Йиллар ўтди. Бугун сочларига оқ оралаган, кўлидаги таёққа суянган Қудрат тоға хануз эгар ясашни қанда қилгани йўқ. Ногирон отасига қараш билан бирга далага чиқиб кетмон чошган Жамшид уч укаси ва икки синглисининг олий маълумотли бўлиши учун ҳаракат қилди ва бунга эришди. Жамшиднинг катта ўғли бобосидек эгарчи, кизи эса шифокор бўлмоқчи. У бобосини даволаш ниятида...

Нигина ШОЕВА,
журналист



ТАНЛИЛ

СУД-ҲУҚУҚ ТИЗИМИНИНГ ЯНГИ ДАВРИ

Мамлакатимизда сўнги йилларда амалга оширилган ислохотлар натижасида Судьялар олий кенгаши тузилди, судьялик лавозимига муддатсиз даврга тайинлаш (сайлаш) тартиби жорий этилди. Суд-ҳуқуқ тизимининг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланди.

2020 йил 24 июль куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самардорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони қабул қилинди. У жамиятда қонунийликни таъминлаш йўлидаги муҳим кадам бўлди.

Фармоннинг ўзига хос жиҳатларидан бири шундаки, унда белгиланган вазифалар бугунги суд амалиётининг чуқур таҳлилидан келиб чиққан ҳолда қўйилган. У суд амалиётидаги бир қатор муаммоларни ҳал қилиш имконини беради. Жумладан, вилоят даражасидаги фуқаролик, жиноят ва иқтисодий судлар бирлаштирилиб, уларнинг негизда судьяларнинг катъий ихтисослашуви сақлаб қолинган ҳолда ягона умумий юрисдикция судлари ташкил этилади. Фармонда илгор хорижий таъриба ва халқаро стандартларни инобатга олган ҳолда Қорақалпоғистон, вилоят марказлари ва Тошкент шаҳрида маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишларни кўришга

ихтисослаштирилган туманлараро маъмурий судларни ташкил этиш ҳамда маъмурий ҳуқуқбузарликларни қўриб чиқиш ваколатини жиноят ишлари бўйича судларга ўтказиш назарда тутилди. Бу билан маъмурий судларни ташкил этишдан қўзланган асосий мақсадга, яъни давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан фуқаролар ҳамда тadbirkorлик субъектлари ўртасидаги муносабатлар тартибга солиниб, ушбу органларда қонунийликни таъминлаш, уларнинг ноқонуний қарорларини бекор қилиш орқали фуқаро ва тadbirkorларнинг ҳуқуқларини ўз вақтида тиклашга эришилади.

Фармонга кўра энди судда ишларни кўришда инсон ҳуқуқлари қафолатларини янада кучайтириш ва тарафларнинг тортишувчанлик тамойиллини рўёбга чиқариш мақсадида жиноят ишлари бўйича судларда дастлабки эшитув институти жорий этилади.

Фармонда прокурорнинг судда ишни кўришда қатнашиш тартибини илгор халқаро стандартларга мослаштириш

назарда тутилаяпти. Жумладан, прокурор суд жараёнида айбловдан воз кетган тақдирда, реабилитация асосларига кўра жиноят ишни тугатиш, прокурор томонидан тарафлар мурожаати бўлгандагина суддан ишни ўрганиш учун чакириб олиш, прокурорнинг фуқаролик ва иқтисодий ишларни кўришда ўз ташаббуси билан иштирок этишини чегаралаш кўзда тутилмоқда. Мазкур тартиб прокуратура ва суд ўртасидаги ҳуқуқий-процессуал муносабатларни халқаро стандартларга мувофиқлаштиришга ҳамда жиноят процесси иштирокчилари ваколатларининг тенглигини таъминлашга хизмат қилади.

Фармоннинг яна бир муҳим жиҳатларидан бири суд ишларини назорат тартибда кўриш институти тугатилиши, «бир суд – бир инстанция» тамойилининг жорий этилиши, ягона суд амалиёти шакллантирилиши, суд органлари фаолиятининг шаффофлиги таъминлини, Олий суд тизимида инвестицияга оид низоларни кўрувчи алоҳида хайъатнинг ташкил этилишидир.

Таъкидлаш жоизки, «бир суд – бир инстанция» тамойили халқаро таърибада синалган, умумэтироф этилган, дунёдаги энг мақбул суд тизими ҳисобланади. Бу тамойилга кўра судга келиб тушган ҳар қандай иш уч босқичда якунига етади. Яъни биринчи босқич – туманлараро, туман (шаҳар) судлари; иккинчи босқич – апелляция (вилоят судлари); учинчи босқич – кассация (Олий суд). Ана шу уч босқичда ҳар қандай иш ўзининг қонуний ечимини топади. Бу янгиликнинг жорий этилиши натижасида халқаро ташкилотлар ва экспертларнинг эътирозига сабаб бўлаётган, эскилик сарқити бўлган, ўз номи билан одил судловнинг моҳиятига мутлақо тўғри келмайдиган назорат тартибда ишларни кўриш амалиётидан тўлиқ воз кечилади.

Мазкур фармон суд тизимига оид тарихий кадам бўлди. Унда белгиланган вазифаларнинг ижроси суднинг адолат уйига айланishiга мустаҳкам замин яратди.

Мирали МИРРАХИМОВ,
жиноят ишлари бўйича Тошкент тумани судининг раиси

ОДАМ САВДОСИ ВА МАЖБУРИЙ МЕҲНАТ

Жаҳонда глобаллашувнинг тезлашиши, ноқонуний миграциянинг кучайиши, ишсизлик ва қашшоқликнинг ўсиши туфайли трансмилий жиноий ташкилотларнинг фаоллашуви натижасида одам савдосининг кўлами кенгаймоқда. Шу боис унга қарши кураш механизмларини такомиллаштириш заруриятга айланди.

Бирлашган миллатлар ташкилотининг Трансмилий уюшган жиноятчиликка қарши курашиш конвенциясига кўшимча сифатида 2000 йил 15 ноябрда қабул қилинган Одам, асосан аёл ва болалар савдосининг олдини олиш ва баргараф этиш ҳамда унинг жазоси тўғрисидаги баённома (Палермо баённома)сининг тавсияларига асосланиб янги тахрирда қабул қилинган «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги қонун 2020 йил 17 август кунини Ўзбекистон Республикаси Президентини томонидан имзоланди.

Мазкур қонунда одам савдосига қарши курашишнинг асосий принциплари белгиланди. Одам савдоси учун жавобгарликнинг муқаррарлиги, жабрдийдаларни камситишга йўл қўйилмаслиги, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш шулар жумласидандир.

Одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги асосий тушунчаларга таъриф берилди. Бу борада Вазирлар Маҳкамаси, Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш миллий комиссияси, Одам савдоси ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш бўйича миллий маърузачи, мазкур йўналишда фаолият кўрсатувчи давлат органлари, одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш ҳудудий комиссиялари, оммавий ахборот воситалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари, фуқаролар ҳамда халқаро, чет эл ташкилотларининг вази фа ва ҳуқуқлари белгиланди.


Одам савдосининг олдини олиш билан боғлиқ масалалар, миллий қонунчилигимизда илгари бўлмаган одам савдоси жабрдийдаларини идентифи-

кация қилиш ва қайта йўналтириш тушунчалари алоҳида бўлларда берилди.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг жавобгарлиги, шунингдек одам савдоси жабрдийдалари содир этган жиноий ва маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликнинг ўзига хос хусусиятлари белгиланди.

Хорижий давлатларнинг қонунчилигида одамфурушларни таъқиб этиш ва жазоланишнинг асосий мезони сифатида одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги асосий тушунчаларга батафсил таъриф берилган, одам савдосига қарши курашувчи давлат органларининг ваколатлари алоҳида белгиланган. Масалан, Россия, Беларус, Молдова, Туркменистон, Грузия, Болгария каби давлатларда шундай.

Қонун билан одам савдосига қарши курашувчи давлат органлари қаторига Бош про-



куратура ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги кўшилди. Бу одам савдосидан жабрланган кишиларни барвақт идентификация қилиш ва қайта йўналтиришда қатта аҳамиятга эга. Бундан ташқари, қонун одам савдоси профилактикасига оид моддалар билан тўлдирилди, унда одам савдосининг олдини олишга доир чора-тадбирлар ҳамда одам савдоси тўғрисидаги маъ-

лумотларнинг ягона базаси яратилиши белгиланди.

«Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги қонун мазкур соҳадаги курашни янги босқичга кўтаришни шубҳасиз.

Зухриддин НЕМАТХОДЖАЕВ,
Бош прокуратура академияси ўқитувчиси
Ж. БОБОНАЗАРОВ,
Янгийўл тумани маъмурий судининг раиси

JINOYAT HAQIQATI VA ADOLATI

ТИЛХАТЛАР ТОҒ, ТОҚАТЛАР ТОҚ БЎЛДИ...

Феруз 2012 йилда ҳарбий қисмга сафдор унвонида ишга кирди. Косон туманидаги батальонда ишлади. 2019 йил 28 ноябрь кунини оилавий шароити туфайли ишдан кетишга мажбур бўлди.

Турмуш ўрғининг оёқ-қўли ишламай ётиб қолганди. Рўзгор юки, бемор оиласининг тапшиви туфайли Феруз пул топиш учун мардикорчилик билан шуғулланиб юрди.

2019 йил 16 ноябрь кунини бозордан қўй олмакчи бўлиб Қарши туманидаги «Қовчин» мол бозорини айланди. Бозор туташ арафасида бир ёш йигит ва унинг отаси бир сурув кўзи билан турганини кўриб, савдолашди.

– Кўчқорларни сотмайсизларми?
– Нарҳини келипсак, сотамиз, – деб жавоб берди йигит.

Савдолашиш асносида танишиб олишди. Йигит қовчилик Дадахон Жўраев экан.

– Бир миллион эллиқдан бераман ҳар бирига, – пули ошиб-тошиб ётгандай нарҳлади Феруз.

– Бир миллион юздан бўлса, олинг, – деди Дадахон.

– Майли, сизлар айтган нарҳда оламан, – деди Феруз. – Фақат бир шарт бор. Пулини ўн кундан кейин оласизлар.

Шундай деб Феруз уларга Қожардаги манзилни берди, Косондаги ҳарбий қисмда ишлашини айтди ва хизмат гувоҳномаси ҳамда рухсатномасини гаров сифатида қолдиришини билдирди. Дадахон отаси билан маслаҳатлашиб, унинг таклифига рози бўлди. Қўзиларни унга топириб, ҳужжатларини олиб қолди.

Феруз юк машинасини 120 минг сўмга буюртма қилиб, 21 та кўзини юклаб, Косон тумани мол бозорига олиб бориб туширди. Бозорга хайлаб кириб, нотаниш кишига зарарига – 21 млн. 500 минг сўмга сотиб юборди.

Хотинини даволатиб юрганида Косондаги дорихоналардан қарздор бўлиб қолган эди. Дорихоналарга кириб, 20 млн. 500 минг сўм қарзини тўлади. Ёнида қолган 1 миллион сўмини ўз эҳтиёжига ишлатиб юборди.

Келишилган муддатда Дадахон кўнгирак қилиб, қўзиларнинг пулини сўради.

– Кечгача олиб бориб бераман, – дея Феруз ваъдани қуюқ қилди.

Бироқ кеч тушиб, тонг отди ҳамки, пулдан дарак бўлмади.

– Кеча мени ишга қақириб қолишди, шунга бормай қолдим, – дея ёлгон гапирди. Дадахон уни нуфузли жойда ишлайди деб ўйлагани учун Феруз сўраган уч кун муҳлатга ҳам рози бўлди.

Уч кун ҳам ўтди. Осмондан чалпақ ёғмади. Дадахоннинг отаси кўнгирак қилганида у Қаршидаги мол бозорига эканлигини айтди. Ота-бола етиб бориб, уни сўроққа тутишди. Феруз яна уч кун муҳлат сўраб, тилхат ёзиб берди. Яна уч кундан кейин ҳам пул топиб берилмади. Сўнг яна ўн беш кун муҳлат сўраб, тилхат ёзди. Дадахон бунгаям қўнди. Муддат тугагач, Феруз пулни бериб қолганини, кейинчалик тўла беришини маълум қилди...

Бу орада пул дардида ёнган Феруз яна бир ишни бошлаб қўйганди. 2019 йил 1 декабрь кунини Қарши шаҳридаги мол бозорига Алижон Ўроқов ва унинг ўғли Камолддин Аҳмаджоновдан пулини ўн кун ичида бериш шарти билан битта болали сигирни 13 миллион сўмга олди. Яна одатдагидай тилхат ёзиб берди.

Шу куннинг ўзида сигир ва бузоқни нотаниш кишига 13 миллион сўмга сотиб юборди. Пулини эса бошқа қарзларини тўлашга сарфлади (Дадахонга қарзини қайтаришни яна кейинга сурди).

Кейин сигир-бузоқнинг эгаси айтилган муддатда кўнгирак қилди. Феруз муддат сўради. Бу муддат ҳам ўтди... Ферузнинг тилхатлари даста бўлиб ҳамки, Алижон ундан бир тийин ололмади.

22 декабрь кунини Алижон Ферузнинг уйига бориб, пулини сўради. Феруз яна тавалло қилиб, 1 февралгача муҳлат сўраб, тилхат ёзди...

Бу орада учинчи саргузашт ҳам бошланди. 2020 йил 5 январь кунини Феруз Қарши шаҳридаги даста бозорига Хуршид Лукмонов деган йигитдан 9 млн. 600 минг сўмга келишиб болали сигир сотиб олди. Учидан 1 млн. сўм бериб, қолганини эртасига етказадиган бўлди. У ёғини тасаввур қилаверинг. Ферузнинг «эртага» деган эртаги тугармиди?! Сигир-бузоқни Алижоннинг ўғли Камолддинга бериб юборган Феруз Хуршиднинг саволлари олдида яна бошини эгиб қолди...

Жиноят ишлари бўйича Қарши шаҳар судида Феруз Саидовга нисбатан кўзгатилган жиноят иши кўриб чиқилди. Суд Ферузни 5 йилу 6 ойга озодликдан маҳрум қилди. Шунингдек, жабрланувчиларга етказилган моддий зарар ҳам ундирилдиган бўлди.

Дилфуза КУЧКАРОВА,
Қашқадарё вилояти прокурорининг қатта ёрдамчиси

Инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши ва ташқи савдони мониторинг қилиш инспекцияси ташкил этилди.



«Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуи

31 АВГУСТ – ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИНИ ЁД ЭТИШ КУНИ

ҚАҲРАМОНЛАР ҚАЛБИМИЗДА ЯШАЙДИ

Шонли йигирма тўққиз йиллигини нишонлаётганимиз мустақилликнинг ҳар бир куни, ҳар бир йили халқимиз учун нақадар азиз экани бугун юртимизда яшаётган ҳар бир инсон ҳаётида ўз ифодасини топмоқда. Халқимиз байрам арафасида бир эзгу анъанани қалбида чуқур эҳтиром билан адо этишга одатланган. Бу истиқлолимиз, миллатимиз равнақи, ватанимиз тараққиёти учун жон фидо этганлар хотирасига таъзим бажо этиш анъанасидир. 31 август – Қатағон қурбонларини ёд этиш куни муносабати билан амалга оширилаётган тадбирлар энг улуг, энг азиз байрамимиз билан уйғунлигининг асл сабаби ҳам шунда...

ШУКРОНА САБОҚЛАРИ

Ўзбекистон истиқлолга эришган дастлабки кунларда ноқ Россия империяси ва совет тузumi истибодининг қурбони бўлган, халқ душмани сифатида қатағон этилган сиймолар хотирасини абадийлаштириш мақсадида Мустамакчилик даври қурбонлари хотирасини абадийлаштириш комиссияси тузилди. Комиссия аъзолари изланиш олиб бориб, кексалардан суриштириб, пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги Бўзсув ариғи (халқ тилида Алвастикўприк деб ном олган) ҳудудда мустабид тузум жаллодлари ўзининг душманларини жазолаганини билиб олди. Улар 1940 йилларга қадар аксилкилобий, аксилшўровий фаолият кўрсатганликда айбонланган ота-боболаримиз шу ердаги уч жойда қатл этилганини аниқлашди. 2000 йилнинг 12 майида қатағон қурбонлари хотирасига бағишлаб мазкур ҳудудда «Шаҳидлар хотираси» хиёбони ва «Қатағон қурбонлари хотираси» музейи бунёд этилди.

Мустақиллик байрами арафасида «Шаҳидлар хотираси» хиёбони зиёратчилар билан гажумлашади. Бу ерга келувчилар тарихий хотира туйғусини, эзгулик ва адолатнинг боқийлигини, хурриятнинг қадрини чуқур хис этишади. Бугунги тинч ва

осойишта кунларга, инсоннинг қадр-қиммати улугланадиган юртда яшаётганига шукроналар келтиришади. Ота-боболаримизни ёдга олиш руҳимизни поклайди, ўтмишдан сабоқ чиқариб, бугунги кунларнинг қадрига етиб яшашга, мустақиллигимизни мустаҳкамлашдек шарафли масъулиятни англашга ундайди.

АСЛ МАТОНАТНИНГ ҲАҚҚОНИЙ КЎЗГУСИ

Тарихни билмаган, ўзлигини англамаган халқнинг келажаги йўқ. Шу боис мустақиллигимизни кўз қорачигидек асраш, ватанга садоқат тушунчаларини ёшларимиз онгига чуқур синдириш даркор. Шу маънода «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуида бунёд этилган «Қатағон қурбонлари хотираси» музейи юртдошларимизни, айниқса, навқирон авлодни тарихимизни яхши ўрганиш ва ундан сабоқ чиқариб, ҳозирги дориломон кунларнинг қадрига етиб яшашга ундовчи масканлардан биридир.

XIX аср ўрталарида Туркистоннинг Россия империяси томонидан босиб олинishi ва унга қарши халқ кўзғолонлари, Туркистон мухториятининг тугатилиши ва 1920 йиллардаги қатағон, 1930 йиллар қатағони, 1940-1950 йилларда ўзбек зиёлиларининг қатағон қили-

ниши, 1980 йиллардаги «пахта иши» ва мустақилликдан сўнг қатағон қурбонлари хотирасининг эъозланишини акс эттирган экспонатлар ўша давр руҳини акс эттирадиган буюк ва маълумотлар билан бойитиб борилмоқда.

Эрк учун курашган инсонлар матонатининг асл кўзгусига айланган бу масканда мустабид тузум шохиди бўлган кекса авлод вакиллари билан учрашувлар, тарих, маънавият дарсларини ўтказиш анъанага айланган.

ГАПИРИШ ОСОН, АММО...

Биз мустақиллик, тинчлик каби неъматларнинг нақадар улуг ва қадрли эканини ана шу йўлда курашган, керак бўлса, жонини фидо қилган инсонлар тимсолида, уларнинг Мураккаб ҳаёт йўлида кўраимиз. Маълумки, мустабид тузум давридаги мудҳис қатағонлар аввало миллатимизнинг энг сара фарзандлари – зиёлилар, маънавият, маърифат вакиллари бўлган минглаб инсонларнинг умрига зомин бўлди. Уларнинг қадр-қиммати топталди, ҳаёти поймол этилди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, тарихий адолат қарор топди. Бугунги фаровон ҳаётимиз, юртимиздаги тотувликни асраб-авайлаш, унинг қадрига етиш фарзандларимиз

учун ибрат мактабидир. Ёшлар ўз юртини севиши учун аввало ҳозирги ёруғ кунларга қандай машаққат эъзига эришилганини теран англаши лозим.

Бугун ҳақиқат рўёбга чиқиб, истибод ўз номи билан истибод, қатағон ўз номи билан қатағон деб айтилаётган замонда бу жабру жафолар ҳақида гапириш осон. Лекин ўша машғум йилларда бу зулм ва ноҳақликни кўтариб яшаш осон бўлмаган.

Биз ҳамма нарсани ўз қарчимиз билан ўлчаймиз. Лекин ҳаёт бизгача ҳам бўлган ва биздан кейин ҳам давом этади. Келажак авлод ҳар бир ишга холис баҳо беради. Шу нуқтаи назардан қарасак, дунёда адолат бор. Бугун аждодларимиз шаънини тиклаб, уларнинг руҳини шод этиш мақсадида қилинаётган хайрли ишлар бунинг исботидир. Ҳар йили 31 август куни «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуида халқимиз озодлиги ва юртимиз мустақиллиги йўлида қурбон бўлганларни ёд этиш маросими бўлиб ўтади. Қурбон тиловат қилиниб, қатағон қурбонлари руҳига хурмат бажо келтирилади.

ИБРАТ МАКТАБИ, ҚУВВАТ МАНБАИ

Қатағон қурбонлари деганда Махмудхўжа Бехбудий, Мунавварқори, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Усмон Носир, Абдурауф Фитрат каби халқимизнинг буюк фарзандлари ҳаёлимиздан ўтади. Бу улуг сиймолар озодликка талипини, шу мақсад йўлида жон фидо этишган. Мавриди келганда яна шуни ҳам айтиш керакки, мустабид тузум наинки тирикларни, ҳатто халқнинг таянчи бўлмиш сохибқирон Амир Темур,

Имом Бухорий, Жалолiddин Мангуберди, Аҳмад Яссавий, Муҳаммад Хоразмий ва Баҳоуддин Накшбанд сингари улуг боболаримизнинг ёдини ҳам қатағон этган, уларнинг бебаҳо илмий-маърифий меросидан бизни махрум қилган. Бу эса миллатнинг ўк илдиизига болта уриш демакдир. Чунки инсон хотира билан тирик.

Аждодларимизнинг ватан озодлиги йўлидаги кураши бугунги кун ёшлари учун ибрат мактаби эканлиги инобатга олиниб, Қорақалпоғистон ва вилоятлардаги олий таълим муассасаларида «Қатағон қурбонлари хотираси» музейлари ташкил этилди. Бу музейлар ёшларни ватанпарварлик ва миллий қадриятларимизга хурмат руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

Ўтган йили давлатимиз раҳбари хиёбондаги рамзий қабр ёнида нурунийлар, уламо ва зиёлилар билан суҳбат чоғида «...Бугунги ёруғ ва дориломон кунлар йўлида қурбон бўлганлар руҳини шод этиш, тинчлик-осойишталикнинг қадрига етиш бизга қатта қувват бағишлайди, руҳиятимизни поклаб, янги-янги бунёдкорлик ишларига чорлайди. Зеро, озодлик учун курашган инсонлар хотираси ҳеч қачон унутилмайди, халқимиз қалбида мангу яшайди» дея таъкидлаган эди.

Абдурауф Фитрат «Ҳиммати ва саботи бўлмаган миллатнинг ҳаққи-ҳаёти йўқ» деганди. Бу аччиқ ҳақиқатни юрагидан ўтказган одам бугунги дориломон кунларнинг қадрига етади.

Норбўта ҒОЗИЕВ,
«Нур»

КАРАМИ КЕНГ «КОРЧАЛОН»

Ўша куни Алишер (исм-фамилиялар ўзгартирилган) уйига жуда хурсанд қайтди. Ахир арзумаган пулга бир эмас, уч жойдан ер олиб турибди-я! Устига-устак, кадастр хужжатлари ҳам шу пулнинг ичида... Шундай бўлгач, у қувонмай ким қувонсин?!



Аслида Шавкатни учратиб қолгани кўнгиладикидек иш бўлди. Салом-алиқдан кейин Юнусободда нима қилиб юрганини сўраган эди, у «Шу атрофдан дўкон, автосервис очмоқчиман. Шунинг ташвишида юрибман» деди.

Бу гапдан Алишернинг ичи қизиб кетди. Ахир ўзи ҳам анчадан бери дўкон очиб ниятида эди-да! Шу сабабли шоша-пиша отни камчилашга тушди. Ўзи ҳам шунақа жой қилириб юрганини айтиб, иложи бўлса унга ҳам топиб беришни сўраган эди, Шавкатнинг жавоби уни баттар ховликтириб қўйди.

– Шунақаи? Майли, хоҳласангиз шу ерни сизга сотаман. Хужжатларини ҳам номингизга расмийлаштириб бераман. Ҳаммаси учун минг доллар берсангиз бўлди.

– Бўлди, оламан. Олдиндан 500 доллар, хужжатлар битгач, қолганини бераман. Фақат бир нарсага хайронман. Ўзингиз олмоқчи бўлган жойни нима учун менга таклиф қилаёсиз?

– Гапингиз тўғри. Аммо, биласиз, илгари БТИда ишлаганман, таниш-билишлар кўп. Бўш жойни улар орқали бемалол топаман. Яширмайман, Ҳасанбойдан ҳам бир жойни мўлжаллаб қўйибман. Ўша ерга автосервис билан автомашина ювиш жойи қуришни режалаштирган эдим. Бориб кўринг, маълум келса, уни ҳам олишингиз мумкин. Кадастр хужжатларини ҳам тўғрилаб бераман.

– Ростанми? Сизни менга худонинг ўзи etkази. Унияма оламан. Нархи қанақа?

– Э-э, от билан туя бўлармиди?. Унга ҳам минг бераколинг.

– Бормисиз, ака?! Ундай бўлса, у ерга ҳам 500 бераман. Қолганини кейин оласиз. Айтмоқчи, танишларим кўп дедингиз, бир масалада ёрдам берсангиз-чи! Миробод туманидаги бекат ёнида дўкон очмоқчиман. Шу ишни ҳам тўғрилаб бера оласизми?

– Бекатдан дўкон денг?! – ўйланиб қолди Шавкат. – Бу масала тез ҳал бўлмайди-да, югур-югури кўп. Майли, бир ишингиз тушибди, йўқ десам уят бўлар. 2 минг доллар берсангиз бўлди, унияма тўғрилаймиз.

– Яшанг-ей! Бу ишга ҳам ярмини бераман. Қолганини кейин оларсиз.

Шу куни Шавкат Алишердан паспорти билан СТИР нухсаларини ҳамда 3 минг АҚШ долларини санаб олди-да, бир ойда ҳамма ишни ҳал қилишга ваъда бериб, у билан хайрлашди.

Орадан бир ойча вақт ўтиб, Алишер Шавкатга кўнгирак қилиб, учрашув белгилади. Келишилган жойда уни бир

ийигит билан кутиб олди-да, ўртоғи эканлигини айтиб, Дилшод дея таништирди.

– Ака, ерларнинг хужжати бўлиб қолдимми?

– Ерларнингизнинг хужжати керакли жойда турибди. Имзо чекилиши билан кўлингизга тутқамаман. Менга яна бирор хизмат бормиди?

– Ҳа, Дилшод ўртоғим уйининг кадастр хужжатларини йўқотиб қўйибди. Янгисини тайёрлашда ёрдам берарсиз деб уни ҳам бошлаб келавердим. Нима дейсиз?

– Қўлимдан келса, бажонидил. Қани, аввал уйингизни кўрайлик...

Дилшоднинг уйига келишгач, Шавкат у ёқ-бу ёқни кўрган бўлди-да, хужжатларни тайёрласа бўлишини, фақат давлатга қанча тўлов қилишни айтиб, ишга киришиш учун ҳозирча 300 доллар бериб туришни кераклигини билдириди. Дилшод рози бўлгач, Алишер у учун ёнидан 300 доллар чиқариб берди.

Пулни ундирган Шавкат яна отни камчилади. Вақтни ўтказмай «Ўртоғингизга қўшни бўлишни хоҳламайсизми?» дея Алишерга юзланди.

– Жон дердим. Аммо бу атрофда сотиладиган ер бормикан?

– Шу ҳам муаммоми? Йўқ бўлса, топамиз. Шу кўчанинг бошида 8 сотих бўш ерим бор. Сотини мўлжаллаб турган эдим. Хоҳласангиз кўринг, нархини келишсак бўлди. Юринглар...

Шавкат шундай дея уларни кўчага бошлади. Бироз юришгач, бўш турган ер олдида тўхтади.

– Мана шу жой. Айтганимдек 8 сотих. 80 минг кўчида берсангиз, номингизга ўтказиб бераман.

– Ер кимнинг номида? Эртага муаммо бўлмайди ишқилиб?

– Бу нима деганингиз? Ўзимнинг номимда. Нима, менга ишонмайсизми? Ёққан бўлса, бу сафар ҳам, майли, 40 мингтини бераколинг. Қолганини нотариусда оларман.

Хуллас, икковлон Дилшоднинг гувоҳлигида келишишди. Алишер пулни эртага берадиган бўлди. Эртаси куни учрашишди ва Шавкат ундан 40 минг долларни санаб олди-да, узоғи билан 15 кунда нотариус орқали ерни Алишернинг номига расмийлаштириб беришни ваъда қилди. Айтмоқчи, шу куни улар яна учрашишди. Бу сафар ишончли бўлиши учун Шавкат ер сотгани ҳақида тилхат ёзиб, Алишерга тутказди.

Орадан икки ҳафта ўтди. «Ерларни қачон кўлга киритар эканман» дея ичи куйиб юрган Алишер Шавкатга бир-икки телефон қилди. Аммо ваъдадан бошқа нарса ололмади. Орада бир қариндоши билан Шавкатни қидириб ҳам борди. Бу сафар ҳам курук ваъда билан қайтишга мажбур бўлди.

Ичига чирок ёқса ёришмаётган шундай кунларнинг бирида Шавкат телефон қилиб қолди. «Хужжатлар тайёр бўлган бўлса керак!» деган хаёлда телефонни олди-ю, яна хафсаласи пир бўлди. Маълум бўлишича, Шавкат фозизга қарз сўраётган экан. Алишер ўзини босиб, ё ернинг хужжатларини ёки пулини қайтариб беришни талаб қилган эди, Шавкат учрашмоқчилигини айтиб, унинг қаердалигини сўради. У шу сафар алдамади, кўп ўтмай «Эпика» автомашинасида етиб келди.

Салом-алиқдан сўнг қарзга 3 минг доллар бериб туришни сўради. Алишер унга бунча пули йўқлигини айтиб, аввал ўзининг пулини қайтаришни сўраган эди, Шавкат ернинг хужжатларини албатта тўғрилаб беришни, ҳозир фозиз

га бўлса ҳам пул топиши кераклигини, танишларидан бўлса ҳам сўраб беришни, гаров сифатида эса машинасини ташлаб кетишни айтиб, илтимос қилди. Алишер йўқ дея олмади. Қариндоши Ботир акага телефон қилиб, вазиятни тушунтирди. Ботир ишхонасига келишса, гаплашиб олишларини айтгач, йўлга чиқашди.

Айтилган жойга етиб боришгач, Ботир уларни эшитиб, ўзида айна пайтда бунча пул йўқлигини, аммо танишларидан фозизга олиб бериши мумкинлигини айтган эди, Шавкат «4500 долларни бир ойга олиб берсангиз бўлди. Гаровга машинамини қолдириб кетаман» деб «Эпика»га имо қилди. Шундан сўнг Ботир ким биландир телефонлашди. Бироздан кейин икки киши кириб келди. Ботир уларни таништириб, Шавкат фозизга пул сўраётганини, гаровга машинасини қўйишини айтган эди, ўзини Латиф дея таништиргани автомашина кимнинг номида эканлиги билан қизиқди.

– Ўзимники, фақат акамнинг номида, – деди Шавкат. – Агар сизга бир ой ичида 4500 долларни фозизи билан 5 минг қилиб олиб келмасам, машинани сизнинг номингизга расмийлаштириб бераман. Хоҳласангиз, ҳамманинг олдида уни сизга сотганим тўғрисида тилхат ҳам ёзиб бераман.

Шу гапдан кейин Лазиз рози бўлди ва уйига бошлади. Етиб боришгандан кейин унинг талаби билан Шавкат машинани ховлига киргизиб қўйди. Шундан кейингина Лазиз уйдан 4500 долларни олиб чиқиб, Шавкатга тутказди. Шавкат ҳам унга автомашинасини 5 минг долларга сотгани ҳақида тилхат ёзиб берди.

Иш битгач, Алишернинг машинасида орқага қайтишди. Йўлда Шавкат «Ишингизнинг битиши қийин бўлиб турибди. Ҳозирча шуни олиб туринг» дея Алишерга 1300 долларини қайтариб берди.

Орадан бир ойдан кўпроқ вақт ўтгач, Латиф Алишерга телефон қилди-да, Шавкат пулни хар хил баҳоналар билан қайтариб бермаётганини айтиб қолди. Ерни ҳам, пулини ҳам ололмай сикилиб юрган Алишерга унинг гаплари йиқилганининг устига тепандек бўлди. Нимаям қилсин, ахир Ботир акаси билан Лазизга Шавкатни рўпара қилган ўзи-ку!

«Қинғир ишинг қийинг кирк йилдан кейин ҳам чиқади» деган гап бор. Вақти келиб Шавкатнинг фирромлиги ҳам ошқор бўлди. Маълум бўлишича, Алишерга ваъда қилинган ерларга унинг умуман алоқаси йўқ экан. Бундан ташқари, «Эпика»ни ҳам бир одамдан 18 ой муддатга, хар ой 500 доллардан бериб, муддат тугагандан кейин ўзининг номига расмийлаштириш шарти билан олган экан.

Жиноят ишлари бўйича Юнусобод тумани суди Шавкат Илҳомовга қилмишларига яраша жазо тайинлади. Жазо тайинлашда жабрланувчиларга етказилган моддий зарарнинг тўлиқ қоплангани, уларнинг судланувчига даввоси йўқлигини инобатга олди.

Халим НАЗАРОВ,
Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим бошлигининг ўринбосари
Ғофуржон АЛИМОВ,
«Нуқра»



FAOLIYATIDAN

ҲОЖАТБАРОР ЙИГИТ

Ўқитувчилик шарафли касблардан. Тўғри йўл кўрсатган, оқ-қорани англаган устозларни ҳамма қадрлайди. Лекин, гуруч курмаксиз бўлмаганидай, муаллимлар орасида масъулиятсиз, тамагирлари ҳам учраб туради.

Шухрат олий маълумотли, бироқ ўз соҳасида ишлашни истамаганиданми ёки бошқа сабабми, айни дам картон цехида ишлаб юрганди.

Жасмина ўқишга топширини ниятида ҳужжатларини тўғрилаб юрганди. Танишларидан Шухрат деган йигит абитуриентлар бўлса ўқишга киришида ёрдам қилишни эшитиб, унинг телефон рақамини топди.

Киз Шухратга кўнғирок қилди. Ўзини таништириб, мудлаога ўтди:

– Сизни ўқишга киритади деб эшитдим. Тоғамнинг қизи билан бирга ҳужжатларимизни Самарқанд ИСИга топширдик. Таниш домлаларнингиз бўлса ёрдам қилинг.

Шухрат шу пайтнинг ўзида йўқ демасдан, «Таниш домла бор, гаплашиб, кейин жавобини айтаман» деди.

Бир пайтлар институтда ўқиб юрганида дарс берган, кўшни кишлоқда яшовчи Толиб домлани эслаб, кўнғирок қилди. «Муҳим гапим бор, кўришиб гаплашиб олайлик», – деб шаҳарга чақирди.

Улар «Азиз» бозори ёнида учрашишди.

– Домла, иккита абитуриентим бор эди. Ўқишга киришида ёрдам қилсангиз, – деди Шухрат.

– Билими бўлса, ўзлари қиради. Мен ёрдам қилолмайман. Оилавий шароитим туфайли институтдан ҳам бўшаганман, – деди Толиб. – Агар квартира керак бўлса, майли, ёрдам қиламан. Ҳозир кишлоқда яшашман. Бу ердаги уй бўш турибди. Одоб-ахлоқли

бўлса, тоза турадиган бирор-гаси топилса хабар бер.

– Бир қариндошим квартира сўраётганди. Айтиб кўрай, сизга хабар бераман...

Шаҳзод таваккал қилди. Қизни алдаб пулини олади. Агар омади келиб ўқишга кириб кетса, мен киритдим деб туриб олади. Шуларни ўйлаб кизга кўнғирок қилди. «Таниш домла топдим, 10 минг долларга ўқишга кириштиб кўяркан. Минг долларини олдиндан берасиз, қолганини

ди. Жасминанинг нархини озроқ тушинг деган гапига хайрон бўлиб, «мен хали нархини айтмадим-ку» деди. Шундай қилиб иккови икки хаёлда тарқалишди.

Бироздан кейин Шухрат Жасминага кўнғирок қилиб, «сизларнинг номингиздан домлага ўзим минг доллар бериб юбордим» деб айтди.

Жасмина бир қарорга келди. Шухратнинг қонуни зид ҳаракатлари ҳақида тегишли идорага хабар берди.



ўқишга киргандан кейин берсангиз ҳам бўлади. Бундан ташқари, менга хизматим учун 1500 доллар берасиз», – деди.

Бу ёқда Толибга кўнғирок қилиб, «уйингизда ижарада турмоқчи бўлган киз билан учрашиб кўринг» деб чақирди.

Жасминага «домла билан кўришганда фақат нархини сал туширинг деб айт. Бошқа нарса дема» деб тайинлаб қўйди.

Киз Толибни ўқишга киритадиган домла деб ўйлаган бўлса, Толиб уни ижарачи хаёл қилди.

Толиб ҳамма гапни Шухратга айтишини билдир-

Орадан бир неча кун ўтиб, Шухрат ишхонаси олдида Жасминадан 11 500 доллар пулни олаётган пайтда ашёвий далиллар билан қўлга олинди.

Судда айбига иқрор бўлган Шухрат ўша вақтда пулга муҳтожлигидан шу ишга қўл урганини, қонуний снгиллик берилишини сўради. Суд ҳукми билан Шухратга 4 йилу 6 ой озодликни чеклаш жазоси тайинланди.

Ислом ШЕРОВ,
департаментнинг Самарқанд вилояти бошқармаси бўлим бошлиғи

УДДАБУРОН ЎҚУВЧИ

Касб-хунар коллежи ўқувчиларининг вазифаси дарсларга вақтида қатнашиш, билим олиш, бирор касбни пухта ўзлаштириш, хуллас, келажақда элга фойдаси тегадиган одам бўлишдир. Буни англаган ёшларимиз шу даврданоқ ҳаётда ўз йўлини топишга интилади. Афсуски, уларнинг ҳаммаси ҳам бу мақсади сари тўғри йўлдан бормас экан.

Қарши тиббиёт коллежи ўқувчиси Р.Д. ҳам анча уддабурон чиқиб қолди. У фуқаро Ч.Ш. ва унинг синглиси Ч.С.ни ўзи ўқийётган коллежга иккинчи мутахассислик бўйича ўқишга киритиб қўйишни ваъда қилди. «Мушук текинга офтобга чиқмайди» деганларидек, Р.Д. бу «яхшилиқ» эвазига 1400 АҚШ доллари беришларини талаб қилди.

Улар Давлат хизматлари агентлиги Қарши шаҳар бўлими биноси олдида учрашадиган бўлишди. Р.Д. келишилган пулнинг ярмини, яъни 700 долларни олган вақтида департаментнинг Қашқадарё вилояти бошқармаси ходимлари томонидан қўлга олинди. У энди ноқонуний ишларга чалғимасдан яхши ўқиш кераклигини уқиб олган бўлса ажабмас.

Тулкин КУРБАНОВ,
департаментнинг Қашқадарё вилояти бошқармаси катта инспектори

БИЗНЕС ҲАЛОЛЛИКНИ ЁҚТИРАДИ

Аббос Иброҳимов тадбиркорликни бошлаган вақтлариданоқ яхши биладики, бизнес ҳалолликни ёқтиради. Аммо у илгари икки марта судланган бўлишига қарамасдан даромади кўпайгани сайин бундан ҳам кўпроқ пул топишга интилиб, қонунга хилоф ишлар қилди.

Аббос Иброҳимов 2019 йил 10 февралда Бухоро шаҳар ДСИ-дан рўйхатдан ўтган «Bragimoff foods» масъулият чекланган жамиятига раҳбарлик қилиб, аҳоли билан пулни ҳисоб-китоблар барча ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машиналарини мажбурий тартибда қўллаган ҳолда амалга оширилиши кераклигини билса-да, чўнтагига тушадиган фойдани ўйлади. Бундан ташқари, 2019 йилнинг февраль-октябрь ойлари давомида жами 10 млрд. 303 млн. 183 минг 700 сўмлик маҳсулотларни нақд пулга сотиб, тушумни банкка топширмади. 2019 йилнинг 17 апрелидан 13 октябрь кунига қалар 10 млрд. 532 млн. 960 минг 500 сўмлик товарлар учун пул кўчирилмаган бўлса-да, шунча товарларни кирим ҳужжатларисиз сотиб, савдо ва хизмат кўрсатиш қондасини бузди.

Қонунига хилоф иш албатта жавобгарликни келтириб чиқаради. Ушбу ҳолатлар бўйича жиноят иши кўзга тилиди ва суд ҳукмига қўра Аббос Иброҳимовга иш ҳақининг 20 фоизини давлат ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди.

Шавкат НАСРЕТДИНОВ,
департаментнинг Бухоро вилояти бошқармаси бўлим бошлиғи

УЗАТСАНГИЗ, ИШ ТАЙИН

«Бекорчидан худо безор» дейди кўпни кўрганлар. Ҳаётда иши боринг кўнгли тўқ, турмуши фаровон. 2019 йили Зайнаб Зийёдуллаева иш излаб юрганида тасодифан истарали бир аёл билан танишиб қолди. Унга шу аёл жонига ора қирадигандек туюлди.

Мунира Маҳмудова ўзининг Марҳамат тумани тиббиёт бирлашмаси қаромоғида тез ёрдам бўлимида диспетчер эканлигини айтди. «Опа, ишга киришимга кўмаклашсангиз, бу яхшилигингизни умрбод унутмайман», – деди гап орасида мудлаога кўчган Зайнаб. Мунира ҳам йўқ демади, аксинча, қаршисидаги аёлга «қўлидан келган ёрдамини аямаслигини» таъкидлади. Фақат тиббиёт бирлашмасига қаршли поликлиникаларга ҳамшира бўлиб ишга кириш учун у ердаги мансабдорларга «узатиш» лозимлигини айтиб, бировларни ўзи чўкаётган ботқоқлик сари судрамочки бўлди, бегоналар номидан иш кўрди. Ҳа, бу ерда нафс вайдон амридан голиб келганди. Тумандаги поликлиникалардан биринга ишга кирмоқчи бўлса 400, агар вилоят кўп тармоқли болалар поликлиникасига бўлса 700 АҚШ доллари бериши керак экан.

Бу гаплар Зайнабни ўйлангириб қўйди. Мунира эса унинг жавобини кутадиган бўлди. Орадан кўп ўтмай Зайнаб 400 доллар топганини телефон орқали маълум қилди. Мунира уни ўз иш жойида кутишини билдиргач, кечки 16:00 ларда келишилган жойга борди ва Мунирага келишилган пулни тутқазди. Лекин Мунира муродига етолмади – шу ондаёқ жиноят устида қўлга олинди.

Жиноят ишлари бўйича Булоқбоши тумани судида ушбу масала атрофича кўриб чиқилди. Диспетчер суд ҳукми билан 1 йилга соғлиқни сақлаш тизимида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинган ҳолда иш ҳақининг 10 фоизини давлатга ушлаб қолиш шарти билан 2 йиллик ахлоқ тузатиш ишлари жазосига тортилди.

Азизбек ГАНИЕВ,
департаментнинг Марҳамат тумани бўлими инспектори

ЯШИРИН ЦЕХ ФОШ ЭТИЛДИ

Бугунги кунда мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш мақсадида бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Аммо бу имкониятдан фойдаланиш ўрнига ноқонуний иш қилаётган тадбиркорлар ҳам учраб турибди.

Бош прокуратура ҳузурдаги Иктисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг Урганч тумани бўлими ходимлари ўтказган тадбирда тадбиркор О.Бекжонов қонунга хилоф равишда маҳсулот ишлаб чиқарадиган яширин цех ташкил қилгани аниқланган.


Хуусан, МЧЖнинг Каттабўғ маҳалласида жойлашган фермаси биносидан 8 та қўлбола мойжувоз ишлатган. Тадбир давомида 14 тонна кунжара ва 16 тонна мой, 55 кг каустик сода, 19 кг чигит қолдиғи ва ускуналар ҳолислар иштирокида ашёвий далил сифатида ҳужжатлаштирилди.

Ушбу ҳолат юзасидан ўтказилган терговга қадар текширувда маълум бўлишича, О.Бекжонов ўз қорхонасига пахта ёғини қалдоқлаш учун берилган муовификл сертификати чигитни қайта ишловчи сифатида товар-хомуш биржасига тақдим қилиб, чигит сотиб олишда фойдаланиб келган. Шу тариха 2020 йилнинг январь-февраль ойларида 810 тонна чигит сотиб олган.

Шуниингдек, Хоразм вилояти ДСЭН бошқармаси Урганч тумани филиалининг хулосасига кўра, ферма биносидан чигитдан ишлаб чиқарилган мой талабга жавоб бермайди, уни истеъмол қилиш касалликларга сабаб бўлади.

Мазкур ҳолат юзасидан тадбиркорга белги-ланган тартибда чора кўрилди.

Турсунбой ШАМАКОВ,
департаментнинг Хоразм вилояти бошқармаси катта инспектори



ДАВЛАТГА ИККИ МИЛЛИАРД

Бюронинг Юнусобод тумани бўлимида Тошкент шаҳар давлат солиқ инспекциясининг 2020 йил 3 августдаги қарорига асосан «O'zeksportmarkaz» корхонасидан 2 млрд. 87 млн. 630 минг 379 сўм қарзини ундириш ҳақидаги ижро иши мавжуд эди.

Маъмур ижро ҳужжати 5 август куни бўлимига келиб тушган ва ижро иши юритиш кўзга тилинган.

Ижро ҳаракатлари давомида қарздор корхона билан тушунтириш ишлари ўтказилган. Натижада корхона қарзи тўлангани тўғрисида Тошкент шаҳар давлат солиқ инспекциясидан маълумотнома тақдим қилган ва ижро иши юритиш тамомланган.

Бундан ташқари, бўлимида Юнусобод тумани маъмурий судининг 6 июлдаги ижро варақаси-

га асосан К.Мингалимовадан Б.Умаровга 41 млн. 81 минг 198 сўм моддий зарарни ундириш ҳақидаги ижро иши юзасидан ҳам керакли чоралар кўрилди. Жумладан, қарздорга тегишли мулклар хатланди ва олиб борилган ҳуқуқий тушунтиришлар натижасида 28 июль куни моддий зарар Б.Умаровга ундириб берилди.

Игорь ЛИ,
МИБ Юнусобод тумани бўлими бошлиғи

ТАДБИРКОРЛАР МАНФААТИ ҲИМОЯДА

Мажбурий ижро бюросининг Навоий шаҳар бўлими саховатпеша тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, суд қарорларини ўз вақтида бажариб келмоқда.

Хусусан, Кармана туманларо иқтисодий судининг 2020 йил 13 апрелдаги ижро ҳужжати бўйича «Навоийазот» АЖдан «Навоий чорва наслчилик» МЧЖга 2 млрд. 17 млн. сўм қарзи тўлиқ ундириб берилди.

Шу каби Зарафшон туманларо иқтисодий судининг

2020 йил 4 августдаги «Ishonch gilam» қўшма корхонасига «Qizilqumqurilish-Zarafshon» МЧЖдан 11 млн. 23 минг сўм қарзини ундириш ҳақидаги ижро ҳужжати бюронинг Зарафшон шаҳар бўлимига келиб тушди.

Зудлик билан ишга киришиб, тарафлар қонунда

белгиланган мажбурий ижро чоралари билан таништирилди. Шундан сўнг қўшма корхонага қарзи тўлиқ ундириб берилди.

Шоҳруҳ УЗАКОВ,
МИБ Навоий вилояти бошқармаси катта инспектори

МЧЖНИНГ ҲАҚҚИ УНДИРИЛДИ

Иштихон тумани иқтисодий судининг ҳужжати асосан «Интер сервис» масъулияти чекланган жамиятига «Митан пахта тозалаш заводи» акционерлик жамиятидан 58 млн. 712 минг сўм қарзини ундириш белгиланган.



Ушбу ҳужжат Мажбурий ижро бюросининг Иштихон тумани бўлимига келиб тушган ва ишга киришилган.

Ижро ҳаракатлари давомида қарздорнинг банкдаги ҳисобрақамига банд солинган ва унга тегишли мулкларни аниқлаш мақсадида мутасадди идораларга хатлар юборилган.

Кўрилган чоралар натижасида «Интер сервис» МЧЖга қарзи тўлиқ ундириб берилди.

Хирожиддин ИКРОМОВ,
МИБ Самарқанд вилояти бошқармаси катта инспектори

КРЕДИТ ҚАЙТАРИЛДИ

Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг Пахтакор тумани бўлимига фуқаролик ишлари бўйича Форш тумани судининг тадбиркор Абдуманнон Худоевдан «Агробанк»нинг Пахтакор тумани филиалига 158 млн. 900 минг 560 сўм қарзини ундириш тўғрисида 2020 йил 26 мартдаги ижро ҳужжати 13 майда келиб тушган.

Шу куннинг ўзида ишга киришилган. Кўрилган чоралар натижасида қарз тўлиқ ундирилиб, ижро ишини юритиш тамомланди.

Хабибулла ЛАПАСОВ,
МИБ Пахтакор тумани бўлими бошлиғининг уринбосари

ВАҚТИДА ҚАЙТАРИЛМАГАН ҚАРЗНИНГ ЖАВОБИ ОҒИР

Мамлакатимизда тадбиркорликни қўллаб-қувватлашда банклар муҳим ўрин тутлади. Уларнинг кредитидан фойдаланиб ўзини ўнглаб олган тадбиркорлик субъектлари кўп. Аммо ишонччи оқламаётган тадбиркорлик субъектлари ҳам учраб турибди.

Масалан, Галлаорол туманларо иқтисодий судининг 2020 йил 9 июлдаги «Жиззах кентекс» МЧЖдан «Жиззах автотранс сервис» МЧЖга 445 млн. 550 минг сўм қарзи, 4 млн. сўмдан ортиқ жарима ва почта харажати ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжати МИБ Галлаорол тумани бўлимига келиб тушган. Шу куннинг ўзида давлат ижрочиси ижро иши юритувини кўзга тилиб, қарор нусхасини томонларга маълумот ва ижро учун юборган.

Қарздорнинг «Ипотекабанк» Жиззах филиалидаги ҳисобрақамига инкассо топшириғи қўйилган, лекин унда қарзини ундириш учун етарли пул йўқлиги аниқланган.

Олиб борилган ижро ҳаракатлари мобайнида «Жиззах кентекс» МЧЖдан «Жиззах автотранс сервис» МЧЖга 2020 йил 20 июль куни 15 млн. 176 минг 400 сўм, 5 август куни 434 млн. 445 минг 944 сўм ундириб берилди.

Вақтида берилган қарзнинг савоби катта. Вақтида қайтарилмаган қарзнинг жавоби оғир. Олди-бердида киришайтган тарафлар буни яхши билишлари керак.

Зоҳиджон МИРМАХМУДОВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги МИБ бўлим бош инспектори

БОЛАДАН ОТАГА АЛИМЕНТ

Фуқаролик ишлари бўйича Яккабоғ туманларо судининг 2019 йил 16 апрелдаги ижро варақасига асосан Б.Бердиевга ўғли, Яккабоғ тумани Мучунгузар қишлоғида яшовчи Ш.Бердиевдан 2019 йил 13 мартдан бошлаб ҳар ойда алимент ундириш белгиланган эди.

Фарзанд алиментни ўз вақтида тўлаб келган. 2020 йилнинг 9 июлида бюронинг Яккабоғ тумани бўлими ижрочиларининг тушунтиришлари сабабли ота ва бола ярашилди. Шу муносабат билан ижро ҳужжати «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги қонуннинг 40-моддасига асосан ундирувчининг аризасига кўра тамомланди.

Тоҳир НОМАЗОВ,
МИБ Яккабоғ тумани бўлими бошлиғининг уринбосари

«MALIBU» АУКЦИОНДА

Банклар бераётган кредит тадбиркорликни йўлга қўймоқчи бўлган ва фаолиятини ривожлантиришни мақсад қилганлар учун айна мудаодир. Афсуски, олинган кредитни ўз вақтида қайтармаётганлар ҳам йўқ эмас.

Термиз туманларо иқтисодий судининг 2020 йил 17 февралдаги «Surxon mobile asphalt plant» МЧЖ ва «Aks Surxon» МЧЖдан «Ипотекабанк»га муддати ўтган 203 миллион сўм қарзини ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжати Мажбурий ижро бюросининг Термиз шаҳар бўлимига келиб тушган ва ишга киришилган.

Олиб борилган ижро ҳаракатлари давомида қарздорга тегишли бўлган «Malibu» автомашинаси хатланиб, 200 миллион сўм бошланғич нарх билан электрон онлайн аукционга чиқарилди.

Савдодан тушган пулдан қарз ундирилади.

Кабилжон ТУРСУНОВ,
МИБ Сурхондарё вилояти бошқармаси катта инспектори



ЎГАЙ ОПАНИНГ ҚАСДИ



2020 йил январь ойида Асилбек (исм-фамилиялар ўзгартирилган) исмли тўрт ёшли боланинг ўз уйида ўлдирилган мурдаси топилди. Шу куннинг ўзида қотил ҳам аниқланди. Хўш, бу ваҳший ким, болада нима қасди бўлган?

ЖИНОЯТ

Хуқуқ-тартибот идоралари томонидан воқеа жойида олиб борилган ўрганишларда маълум бўлишича, ўша куни боланинг отаси Мансур Элмуратов ишга, онаси Райхон Умарова дўжонга кетган. Асилбек эса онасининг биринчи никоҳидан бўлган ўғай опаси Шириной Лепесова билан уйда қолган. Кўшниларнинг гувоҳлик беришича, шу куни Элмуратовларнинг хонадонида бегоналар бўлмаган ва ҳеч қандай шовқин ёки жанжал овози эшитилмаган.

Савол туғилади, унда болани ким ўлдирилган? Наҳотки, яқин атрофдагиларнинг ҳеч бири ҳеч нарса сезмаган бўлса?..

ТАҚДИР

Райхон Умарова биринчи турмуш ўртоғи билан ўн йилча бирга яшади. Аммо оилада юзага келган келишмовчиликлар туфайли турмуш ўртоғи билан ажрашди. Икки фарзанд суд ажримига биноан она тарбиясида қолди.

Райхон ишсиз эди. Шу боис ажрашганидан кейин бир йил ўтиб фарзандлари

нинг каттаси Ширинойни меҳрибонлик уйига, кичиги Амирни эса гўдақлар уйига топшириб, ўзи ишлашга қарор қилди. У фарзандларидан бутунлай кечмади, вақт топиб улардан хабар олиб турди.

Шу зайл йиллар ўтди. Бу орада Райхон Мансур Элмуратов исмли йигит билан танишиб, унга турмушга чиқди. Бир йилдан сўнг ўғил фарзанд дунёга келди. Эр-хотин маслаҳатлашиб, унга Асилбек деб исм қўйишди.

Айрим келишмовчиликларни ҳисобга олмаганда, оиладаги умумий муҳитдан Мансурнинг ҳам, Райхоннинг ҳам кўнгли тўқ эди. Шундан бўлса керак, кейинчалик бу уйга Шириной ҳам келиб турадиган бўлди. Шириной ҳар келганида онасига уй ишларида ёрдам берди, Асилбекни ўйнатарди, хуллас, унинг ора-орада келиб туриши она азозларининг ҳеч бирига ортиқча ташвиш туғдирмасди.

ЖАНЖАЛ

Йиллар ўтди. Бу орада Шириной меҳрибонлик уйида мактабни тамомлаб ўғай отасининг уйига қайтди ва кейинги

ўқишини яқин атрофдаги таълим муассасаларининг бирида давом эттирди.

Шириной энди бироз улғайган, оқ-қоранинг фарқини тушуна бошлаган, шу билан бирга, феълда ҳам ўзгартирилган пайдо бўлган. Шунинг учун кейинги пайтларда онасидан кўпроқ танбеҳ эшитадиган бўлиб қолди. Лекин онанинг бу уринишлари бефойда кетди. Чунки Шириной онасининг гапига кирмас, ҳеч бир сабабсиз ўқишига бормас, гоҳида онасининг Асилбекни эркалаганига жаҳл қилиб уйдан кетиб ҳам қоларди. Унинг шу каби ножўя ҳаракатлари ота-онасининг жанжалларига сабаб бўларди.

ГУМОН

Ўша куни эрталаб ота оладдагидек ишга кетди. Она эса Шириной ва Асилбек билан уйда қолди. Ота уйдан чиқиб биан Райхон кизига кеча мактабдан ўқитувчилари келиб, унинг устидан яна шикоят қилганини, шунингдек, бир неча кун аввал кўшнилар уни кўчада маст ҳолда кўрганини айтиб урушди. Аммо Шириной онасининг гапларига парво ҳам

қилмади. Табиийки, бундан Райхоннинг баттар жаҳли чиқиб, она-бола ўртасида жанжал юзага келди. Одатий жанжаллар ва кизининг феълда юз бераётган ўзгартирилган чарчаган Райхон Ширинойга урушиб, хонадан чиқиб кетди.

Шириной онаси уйдан чиқиши билан аразлаб хонасига кириб ётиб олди. Шу ётишида ўғай отаси ва онасининг ўзига муносабати ҳақида, ўзи билан боғлиқ кейинги воқеалар ҳақида ўйлади. «Наҳотки бу уйда ортиқчалик қилаётган бўлсам» деб изтироб чекди.

ВАҲШЙЛИК

Айнан шу фикр унга тинчлик бермади. У ўзини ўғай ота хонадонида кераксиз буюмдек ҳисоблаб, онасини укаси Асилбекдан қизганди. Шу пайт хонага Асилбек кириб онасига оладдагидек эркалик қила бошлади. Шириной унинг кўкрагидан итариб, ўзидан узоклаштиришга ҳаракат қилар экан, Асилбек унга ёмон сўз айтди. Бу Шириной учун катта ҳақоратдай туюлди ва энг даҳшатли воқеа шундан кейин бошланди.

Шириной шахд билан ўрндан турди-да, Асилбекни дуч келган жойига уриб-тепа бошлади. Кейин кўтариб қароват устига ташлади ва қўллари билан, сўнг рўмоли билан бўғди. Шусиз ҳам нафас олишга қийналаётган боланинг юзига ёстиқ босиб, ўлишини кутди...

ЖАЗО

Табиийки, бу муҳкиш воқеа юзасидан хуқуқ-тартибот идоралари ходимлари томонидан суриштирув бошланди. Воқеа жойини кўздан кечириш жараёнидаёқ ўзини галати тутган Шириной берилган саволлардан сўнг жинояти ҳақида гапириб беришга мажбур бўлди. Шу боис Ш.Умаровага нисбатан жиноят иши қўзғатилди. Жиноят ишини ҳар томонлама ўрганиб чиққан суд айбдорни 6 йилга озодликдан маҳрум қилди.

Тимурбек БЕКМУРАТОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси
прокуратураси бўлим прокурори
Парахат ҲАБИБУЛЛАЕВ,
«Нидо»

ЙЎЛДАГИ ТАЛОНЧИЛИК

Талончиларнинг учаласи ҳам бўйдоқ. Кичиги Асадулла (исм-фамилиялар ўзгартирилган) 19 яшар, ўртанчаси Лазизбек 21, каттаси Жумақўзи 25 ёшга кирган. Қўни-қўшни бўлишган, ота-оналари билан Қўқон шаҳридаги кўпқаватли уйларда истиқомат қилишган. Асадулла киссавурлик, ўғирлик қилиб икки марта судланишга улгурган. Ҳеч қаерда ишламайди. Лазизбек мардикор, Жумақўзи ижара автомобилда киракашлик қилади. Хуқуқбузарликка мойиллик, осон пул топиш истаги маҳалладошларнинг бошини қошуштиради. Асадулланинг кечқурун кўчада биронтасини тунаш фикри акаларига мойдай ёқиб тушади.

2019 йил 29 декабрь куни кечқурун Жумақўзи хайдаётган «Нексия» автомашинасининг орқа номерини ечиб қўйиб овга чиқашди. Қўқон шаҳри кўчаларини айланишади. Хилватда кармоққа илинадиган бирор кимсани учратишолмагач, Бағдод туманига йўл солишади. Орта қайтаётиб, соат тўққиз яримларда Учқўприк туманининг Каттақенағас қишлоғи яқинида, йўл четида велосипед миниб бораётган икки ёш йигитнинг олдига ўтиб тўхташади. Асадулла машинадан тушиб «адашдик, Янгикўрғонга қандай борамиз?» дея сўрайди. Йигитлардан бири Шуқуржон йўл кўрсатади. Асадулла ундан «кўнгирак қилиб олай, бериб туринг» дея телефонини сўраб олади. Икки-уч

рақамларни тиради. Машинанинг олди ўриндигига, ҳайдовчи ёнига ўтириб, «кетдик, ҳайдан!» дейди. Шуқуржон очик эшикнинг ички дастасига ёпишиб, телефонни қайтаришни талаб қилади. Машинада уч киши ўтирганини илғайди. Машина силжийди. Асадулла билагидан тутган боланинг бўйинига тирсаги билан икки марта уради. Машина тезининг охирида. Шуқуржон олд эшикнинг дастасини узиб олади. Машина Қўқон тарафга юриб кўздан йўқолади.

Ўртоғим Раҳматжон гувоҳ, у билан репетитордан сабоқ олиб қайтаётгандик, — дейди Шуқуржон. — Эртаси куни акам билан профилактика инспекторига учраб, машина дастасини бериб қўйдим.

— Курилишда ишлайман, — дейди Шоқиржон. — Укамга ишлатиб туриш учун икки ярим миллион сўмга кредитга олган «Samsung» телефонимни бериб қўйгандим. Унинг гилофи ичига иш ҳақиқа олган 200 АҚШ долларини солиб қўйгандик.

Уч оғайни талончилар шахарга қайтиб уй-уйларига тарқалишади. Эртаси куни Асадулла акасига «Ботир деган ўртоғим сотиб беришни сўрайлти» дея телефонни бериб қўяди. Акаси «ҳаридор топиб 500 минг сўмга сотдим, 200 мингтини кейин берадиган бўлди» дейди. Асадулла пулни шериклари билан бўлиб олади. Қолганини кейин бўлиб олишга келишишади.

«Бузоқнинг югургани сомонхонагача» деганларидай, кўп ўтмай йўлда талончилик қилиб учовлон бирин-кетин қўлга олинди. Бировга сотиб юборилган телефон эгасига қайтарилди. Бундан ташқари талончилар жабрланувчига етказган зарарни тўлиқ қошлашди. Айбига иқдор бўлган Асадулла, Лазизбек ва Жумақўзига суд озодлигини чеклаш жазосини тайинлади.

Ойгул САИДОВА,
Учқўприк тумани прокурорининг катта ёрдамчиси

МУБОРАКБОД ЭТАМИЗ!

Юртимизда қонунийликни мустаҳкамлашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган инсон, прокуратура фахрийси Аҳад Эсонов кутлуғ 70 ёшни қарши олмоқда.



У 35 йиллик меҳнат фаолияти давомида Самарқанд вилояти прокуратураси органлари тизимида турли лавозимларда фаолият юритиб, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди.

Ишлаш даврида ижобий фаолият кўрсатиб, изланувчанлиги ва адолатпарварлиги туфайли ҳамкасбларининг ҳурмат-эътиборига, ишончига са-

зорор бўлди.

Аҳад Эсоновнинг узоқ йиллик меҳнат фаолияти прокуратура раҳбарияти томонидан муносиб баҳолалиб, бир неча маротаба рағбатлантирилди.

Хурматли Аҳад Самадович, таваллуд айёмингиз муборак бўлсин! Сизга ва оила аъзоларингизга мустаҳкам соғлиқ, оилавий тотувлик, хонадонингизга тинчлик-осойишталик ҳамда фаровонлик тилаймиз!

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси ва Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги маркази



Бош прокуратура ҳузуридаги департамент органлари тизимида самарали хизмат қилиб, юртимизда қонунийликни мустаҳкамлашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган Турсунпўлат Холматов табаррук 70 ёшни қарши олди.

У тизимдаги меҳнат фаолияти давомида департаментнинг Наманган вилояти бошқармасида самарали хизмат қилиб, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш каби касбий вазифаларни бажаришга масъулият билан ёндашди.

Иш жараёнида жамоа ходимларига нисбатан талабчан, ҳамфикр, ўз соҳасида ҳам, жамоат ишларида ҳам соғлом рақобатнинг яратувчиси бўлди.

Хурматли Турсунпўлат Холматов, таваллуд айёмингиз муборак бўлсин! Сизга ва оила аъзоларингизга сихат-саломатлик, хонадонингизга файзу барака тилаймиз!

Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти

ТАНЛИЛ

ВАКИЛ ХАРАЖАТИНИ УНДИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 61-моддаси биринчи қисмига мувофиқ судда юридик шахсларнинг ишларини уларнинг қонун ёки таъсис ҳужжатларида берилган ваколатлар доирасида ҳаракат қиладиган органлари ёки вакиллари юритади.



Мазкур модданинг бешинчи қисмида судда вакил сифатида ишларни юритиш бўйича профессионал фаолият билан фақат адвокатлар шуғулланиши мумкинлиги кўрсатилган.

Амалиётда аксарият ишларни кўриб чиқишда тарафлар номидан вакил сифатида адвокатлар қатнашади ҳамда ишонч билдирган тарафининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилади.

Адвокат бевосита ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ҳақидаги шартнома асосида тарафининг вакили сифатида низо юзасидан судга даъво тайёрлаш, суд муҳокамасида иштирок этиш ва бошқа вазифаларни бажаргани учун маълум миқдорда ҳақ – гонорар олади, шу боис суд муҳокамасида вакилнинг харажати қоплаш билан боғлиқ масала ҳам кўтарилиши табиий ҳол.

ИПКнинг 112-моддасида «Суд харажатлари давлат божидан ва ишни кўриш билан боғлиқ суд чиқимларидан иборат бўлади» деб белгиланган. 116-модданинг 1-қисмига кўра суд чиқимлари суд ҳужжатларини юбориш билан боғлиқ почта харажатларидан, суд тайинлаган экспертизани ўтказиш, гувоҳни чақириш, далилларни жойида кўздан кечириш, суд мажлисини видеоконференцалоқа режимида ўтказиш билан боғлиқ харажатлардан, шунингдек ишни кўриш билан боғлиқ бошқа харажатлардан иборатдир.

Судлар амалиётини таҳлил этсак, даъвогарнинг шартнома асосида ҳуқуқий ёрдандан фойдалангани учун адвокатга тўлаган гонорарини жавобгардан ундириш ҳақидаги талабига судлар турлича ёндашаётганига гувоҳ бўламиз.

Хусусан, аксарият ҳолларда судлар томонидан бундай талаб Фуқаролик кодексининг 14-моддасига асосланиб етказилган зарар деб баҳоланган ҳолда қаноатлантирилган бўлса, айрим ҳолларда ушбу талабни қаноатлантириш рад этилган.

Фикримизча, тарафнинг шартнома асосида кўрсатилган ҳуқуқий ёрдам учун адвокатга тўлаган пулини зарар деб баҳолаш ҳамда ушбу талабни ФКнинг зарар билан боғлиқ умумий қоидалари билан малакаланиш нотўғридир.

Ҳолбуки, фуқаролик қонун ҳужжатларида мувофиқ зарар айбдор ҳисобидан тўлиқ қопланиши лозим, қонун зарар етишида жабрланувчининг ўзи тўлиқ ёки қисман айб-

дорлиги исботланмагунга қадар етказилган зарар миқдорини камайтиришга ёки буткул рад этишга изн бермайди (Фуқаролик кодексининг 1004-моддаси).

Мазкур харажат фуқаролик ҳуқуқий муносабатдан келиб чиқади, шу боис тарафининг шартнома асосида кўрсатилган ҳуқуқий ёрдами учун адвокатга тўлаган пули суд харажати (суд чиқими) ҳисобланади ҳамда уни жавобгар ҳисобидан тўлиқ ёки қисман ундириш каби масалалар ИПКнинг нормалари билан тартибга солиниши лозим.

Амалдаги бошқа кодексларимизда бундай харажатлар суд чиқими деб ҳисобланади. Жумладан, Фуқаролик процессуал кодексининг 136-моддасида «Ҳал қилув қарори қайси тарафининг фойдасига чиқарилган бўлса, суд шу тарафга иккинчи тарафдан вакилнинг ёрдами учун тўлашга оид харажатларни оқилона миқдорларда ундириб беради. Агар ҳал қилув қарори ўз фойдасига чиқарилган тарафга адвокат белгиланган тартибга мувофиқ бепул ёрдам кўрсатган бўлса, бу сумма бошқа тарафдан адвокатлар бюроси (ҳайъати, фирмаси) фойдасига ундирилади» деб қайд этилган.

Жиноят процессуал кодексининг 318-моддасига мувофиқ гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчи тўловдан озод қилинган тақдирда юридик ёрдам кўрсатганлик учун ҳимоячи тўланадиган ҳақ процессуал чиқим деб номланади.

Бу борада чет эл қонуночилигига мурожаат қилсак, Россия Арбитраж процессуал кодексининг 106-моддасида адвокат хизмати учун тўланган маблаг ҳам суд харажатлари таркибига кириши кўрсатиб ўтилган.

Шартнома асосида кўрсатилган ҳуқуқий ёрдам учун адвокатга тўланган пул суд харажати ҳисоблангани сабабли суд уни бошқа тарафдан ундириш масаласини ИПКнинг 118-моддасида белгиланган қоидаларга мувофиқ ҳал этилиши лозим ва Фуқаролик кодексининг зарарни қоплашга оид нормаларини қўллаши мумкин эмас.

ИПКнинг 118-моддаси 1-қисмида «Суд харажатлари ишда иштирок этувчи шахсларнинг қаноатлантирилган даъво талаблари миқдорига муносоиб равишда уларнинг зиммасига юклатилади» деб кўрсатилган.

«Адвокатура тўғрисида»ги қонуннинг 91-моддасига мувофиқ адвокатлик фаоли-

ти адвокат ва ишонч билдирувчи шахс ўртасида тузилладиган юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги битим асосида амалга оширилади. Шу боис адвокат кўрсатадиган ҳуқуқий ёрдам учун тўлов (гонорар) миқдори адвокат ва унинг ижозати ўртасида тузилладиган шартномада белгиланади.

Гонорар суммаси ишнинг мураккаблик даражаси, адвокатнинг тажрибаси ва бошқа жиҳатлардан келиб чиқиб келишилган ҳолда белгиланади. Гонорар суммасининг энг кўп ва энг кам миқдори қонун ҳужжатларида аниқ белгилаб қўйилмагани сабабли судлар адвокатга тўланган маблагни ундириш ҳақидаги талабни кўриб чиқишда ушбу сумма миқдорини ишнинг хусусиятидан келиб чиқиб оқилона миқдорга қадар камайтиришлари лозим. Бунда профессионал юридик хизматдан фойдаланган тараф ушбу тўланган маблаг миқдорининг оқилона даражада эканини тасдиқловчи далилларни тақдим этиши шарт.

Ахмадхон ЮСУПОВ,
Бош прокуратура бошқарма прокурори
Отабек ЙЎЛДОШЕВ,
Сирдарё вилояти прокурорининг катта ёрдамчиси

ЎТГАННИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Самарқанд вилояти прокуратураси жамоалари ҳамда Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги Маркази прокуратура фахрийси Ишназар Султоновга турмуш ўртоғи **Гулнора ЖУРАЕВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси жамоаси бўлим прокурори Женис Уснатдиновага падари бузруквори **Барликбай БЕГЖАНОВ**ни вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги департаментнинг Самарқанд вилояти бошқармаси жамоаси бошқарма фахрийси **Эркин ЭРГАШЕВ**нинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги департаментнинг Самарқанд вилояти бошқармаси жамоаси бошқарма катта инспектори Алишер Султоновга волидаи муҳтарамаси **Гулнора ЖУРАЕВ**нинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

HUQUQ

YURIDIK GAZETA

MUASSIS:

**O'zbekiston
Respublikasi
Bosh
prokuraturasi**

BOSH MUHARRIR:

Jahongir MAKSUMOV

TAHRIIR HAY'ATI:

**Erkin YULDASHEV
Halim BOLTAYEV
Sodiqjon NAZAROV
Hayot SHAMSUTDINOV
Utkirjon DEXKANOV
Maqsudali QAMBAROV**

TAHRIIRIYAT

MANZILI:

Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 233-98-40,

Faks: 233-10-53,

233-64-85

www.huquq.uz

info@huquq.uz

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqriz qilinmaydi va egalarga qaytarilmaydi. Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

«HUQUQ» materiallari ko'chirib bosilganda manbaa sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart.

ⓧ — ijorat materiali.

Buyurtma v.4293,

15 707 nusxada bosildi.

Uog'oz bichimi A-3, hajmi 3 bosma tubaq. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida tahrir va bahalandi. «HUQUQ» original maketi.

Navbatdagi muharrir: U.DEXKANOV

Sahifalovchi: S.BABAJANOV

Gazeta haftaning payshanba kuni chiqadi. Sotuvda kelishilgan narxda

Nashr ko'rsatkichi 231

Gazeta «O'zbekiston» nashriyat matbaa ijodiy uyida chop etildi. Korxonani manzili: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00.

Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot respektivida 2009-yil 12-oktabrda 0188-raqam bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-7617

91772010 761004

Бирлашган Араб Амирикларининг Jetex компанияси Ўзбекистоннинг авиация бозорига кирмоқчи. Бу ҳақда Транспорт вазирлиги хабар берди.

27-AUGUST 2020-Y.

HUQUQ № 34

(1231)

11

ЭЛДОР УЧУН МАХСУС ТАКЛИФ

Бельгиянинг «Гент» жамоаси Европа чемпионлар лигасининг янги мавсуми олдида марказий ҳужумчига эҳтиёж сезмоқда. Клуб бу позицияга «Ростов»нинг (Россия) ўзбекистонлик ҳужумчиси Элдор Шомуродовни таклиф қилиш фикридан қайтгани йўқ ва уни трансфер мавсумида асосий нишон қилиб белгилади. Бу ҳақда мазкур мамлакатнинг нуфузли нашрларидан бири «Voetbal België» хабар бермоқда.



Бельгия чемпионатида кумуш медални қўлга киритиб, Европа чемпионлар лигасига йўллама олган ушбу клуб 8 июль кuni «Ростов»га Элдор Шомуродов бўйича расмий сўров юбориб, трансфер учун 5 млн. евро таклиф қилган эди.

«Ростов» клуби раҳбарияти асосий ҳужумчи бўйича дастлабки таклифга рад жавобини берди. Одатда ҳеч қайси жамоа биринчи сўровдаёқ ишонган футболчисининг трансферига кўнмайди. Шу боис ростовликлар бошқа таклифларни ҳам кўриб чиқишга тайёр эканини билдирганли.

Энди, «Voetbal België» нашрининг хабар беришича, «Гент» раҳбарияти Элдор Шомуродов бўйича иккинчи расмий сўровни тайёрламоқда ва тез орада бу таклиф «Ростов» жамоасига тақдим қилинади.

«Гент» раҳбарияти ҳужум чизигини кучайтиришга жиддий эҳтиёж сезаётгани эндигина бошланган миллий чемпионатда ҳам билиниб қолди. Бу жамоа ўтган мавсумни иккинчи ўринда якунлаганига қарамай, янги мавсумнинг дастлабки учта ўйинида «Сент-Тройден», «Кортрейк» ва «Антверпен»га ютказди. Уч ўйинда иккитгагина гол урган гентликлар мусобақа жадвалида охириги – 18 ғоғонага тушиб қолди. Шу боис бельгияликлар ўзбек ҳужумчисини имкон қадар тезроқ ўз сафига қўшиб олишга интиломоқда. Ҳозирча бу жамоа Шомуродов учун канча пул таклиф қилиши номаълум. Лекин у дастлабки таклифдан ортик бўлади. Чунки «Transfermarkt» порталида

ҳам ҳамюртимизнинг трансфер суммаси кўтарилиб, айни пайтда 6,5 млн. еврога тенглиги эълон қилинган.

Ўз навбатида, Элдор Шомуродов ҳам фаолиятида кескин бурилиш ясаши керак деган фикрлар кун сайин кўпайиб бормоқда. Карантиндан сўнг ҳамюртимизнинг ўйинида пасайиш давом этмоқда ва унинг голсиз серияси ярим йилдан бери узилгани йўқ. Шомуродов кетма-кет йигирма ўйинда майдонни голсиз тарк этди.

Маълумотларга қараганда, Элдор Шомуродовга Бельгиядан ташқари Қатар чемпионати ва Россия премьер-лигасининг етакчи жамоаларидан ҳам таклифлар бўлмоқда. Бироқ Элдорнинг ўзи Россияга «Ростов»дан бошқа жамоада ўйнамоқчи эмас. Шунингдек, у Осиёда эмас, Европада тўп суришни истамоқда. Шомуродовнинг амалдаги шартномаси 2024 йилнинг ёзигача тузилган ва ростовликлар ҳозирча уни қўйиб юборгиси келмапти.

Қарийб 120 йиллик тарихга эга бўлган «Гент» клуби 30 йилдан буён мамлакат чемпионатининг юқори лигасида иштирок этиб келмоқда. Гент шаҳри шарафини ҳимоя қилаётган жамоа уч марта Бельгия кубоги соҳиби бўлган. Шунингдек, беш йил аввал «Гент» мамлакат чемпионатида ғолиб чиққан ва суперкубокни қўлга киритган.

«Гент» Бельгиянинг энг кучли жамоаларидан бири сифатида УЕФА чемпионлар лигаси ва Европа лигаси каби нуфузли турнирларда қатнашиб келади.

Вақтинчалик қоида

Коронавирус пандемияси пайтида Халқаро футбол ассоциациялари федерацияси (ФИФА) кенгаши футболчиларнинг терма жамоага қўйиб юборилиши юзасидан вақтинчалик қоида жорий қилди. Бу ҳақда ташкилот расмий сайти хабар тарқатди.

Пандемия туфайли кўп мамлакатлар ҳукумати чегара билан боғлиқ чекловлар жорий қилди. Бундай қоралар, масалан, мажбурий карантин ва бошқа чекловлар халқаро учрашувларга таъсир кўрсатади.

Янги қоидага кўра клублар қўйидаги шартлар мавжуд бўлганда ўз ўйинчиларини терма жамоа ихтиёрига қўйиб юбормаслиги мумкин:



– футболчи борадиган мамлакатда камида 5 кунлик мажбурий карантин жорий қилинган бўлса;

– агар мамлакатга кириш ёки ундан чиқишга чеклов ўрнатилган бўлса;

– қабул қилувчи тараф ўйинчилар ёки жамоаларга махсус қоидалар тақдим этмаган бўлса.

Бундан ташқари, халқаро учрашувлар учун ажратилган танаффус пайтида барча иштирокчилар соғлиқни сақлаш ва хавфсизлик қоидаларига амалга қилишлари керак.

Бу қоидалар эркаклар жамоалари учун 31 августдан 8 сентябргача, аёллар жамоалари учун эса 14-22 сентябрь кунлари амал қилади.

Жанжалга аралашган футболчи

«Манчестер Юнайтед» клуби сардори, ҳимоячи Гарри Магуайр шартли равишда 21 ойга озодликдан маҳрум этилди. Бу ҳақда «Eurosport» хабар берди.

Унга оғирлаштирувчи ҳолатга олиб келувчи ҳужум қилиш, ҳисба олишга қаршилик кўрсатиш ва пора беринга уриниш каби айбловлар қўйилган эди.

Магуайр Грецияда дам олаётганда жанжалга аралашиб қолган эди. Маълум бўлишича, воқеа Миконос оролида юз берган. Магуайр ўзини ҳақорат қилган ватандошлари — британияликлар билан муштлашиб кетган. Ур-тўполонда унинг синглисининг қўлини ўтқир буюм билан жароҳатлаган. Бундан жамли чиққан футболчи кучига баттар зўр берган.

Магуайрнинг айтишича, жанжалдан сўнг машина чақиртириб, жабрланганларни калсалонага жўнатишга уришган. Аммо етиб келган машинадан беш-олти киши тушиб, жанжаллашарини полиция маҳкамасига олиб кетишга уринишган. Гарри ва унинг шериклари қаршилик кўрсатишган. Қўлга қишан солинган Магуайр полиция ходимига жароҳат етказишга ҳам улгурган.

У билан жанжаллашган британияликлар қўрсатма беришича, «МЮ» футболчиси пули қўплигини пеш қилиб, полицияни ўзига оғдиришга уринган.

Ушбу воқеалардан сўнг Англия терма жамоаси бош мураббийи Гарет Саутгейт яқинда Исландия ва Данияга қарши ўтказиладиган ўйинларда Гарри Магуайрни майдонга туширмасликка қарор қилди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди

Диққат, танлов!!! Диққат, танлов!!! Диққат, танлов!!! Диққат, танлов!!! Диққат, танлов!!! Диққат, танлов!!! Диққат, танлов!!! Диққат, танлов!!! Диққат, танлов!!!

«ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ»

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси, «Ўзбекино» миллий агентлиги, Ўзбекистон Бадий академияси, «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма тўққиз йиллигига бағишланган «ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ» анъанавий кўрик-танловини эълон қилади.

Танловга «Сен – қудрат манбаи, саодат маскани, жонажон Ўзбекистони!» деган бош ғояни ўзида мужассам этган ва 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ҳамда «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили» Давлат дастури доирасида мамлакатимизни ҳар томонлама обод қилиш, унинг иқтисодий қудратини кучайтириш борасида амалга оширилаётган ислохотларни, Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятидаги нуфузи ва обрўси ошиб бораётгани, пандемия шароитида ҳам давлат ва жамият ҳаётидаги ўзгаришлар изчил давом эттаётгани ҳаётий мисоллар ва илмий асосланган таҳлиллар асосида ҳолис ва ҳаққоний ёритувчи ижодий асарлар қабул қилинади.

«Энг улуг, энг азиз» анъанавий кўрик-танлови қуйидаги номинациялар бўйича ўтказилади:

- ёзувчи ва шоирларнинг бадий асарлари;
 - босма ОАВ ходимларининг журналистик ишлари;
 - оммавий ахборот воситаси сифатида рўйхатга олинган веб-сайтлардаги интернет-журналистика материаллари;
 - телевидение ва радио ижодкорларининг материаллари;
 - тасвирий санъат, фото асарлари ва дизайн ишлари;
 - кино санъати асарлари.
- Шунингдек, танлов доирасида Мустақиллик декларацияси қабул қилинганнинг ўттиз йиллиги муносабати билан

босма ОАВ, веб-сайт, телеканал ва радиоканаллар ижодкорлари учун ҳар бир йўналиш бўйича биттадан «Энг яхши журналистик материал учун» рағбатлантирувчи номинация жорий этилмоқда.

Кўрик-танловга 2019 йилнинг 15 августидан 2020 йилнинг 15 августигача бўлган даврда расман чоп этилган адабий-бадий асарлар, газета-журналлар ва интернет нашрларида эълон қилинган мақолалар, радио ва телеканалларда эфирга узатилган материаллар, намоийш этилган тасвирий санъат ва кино санъати асарлари жорий йилнинг 10 сентябрга қадар қабул қилинади.

Кўрик-танлов ғолиблари 2020 йил сентябрь ойида тақдирланадиган ва уларнинг рўйхати матбуотда эълон қилинади.

Коронавирус пандемияси сабабли карантин қоидаларидан келиб чиқиб, танловга юбориладиган ижодий ишлар онлайн шаклда қабул қилинади.

Иштирокчилар (муаллиф ва унинг профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот, паспорт нусхаси; манзил ва боғланиш телефонларини илова қилган ҳолда) ўз ижодий ишларини «Энг улуг, энг азиз» кўрик-танловига ҳамда «Энг яхши журналистик материал учун» номинациясига деб (номинация йўналишини) кўрсатган ҳолда қуйидаги шакл ва форматларда tanlov2020@aimc.uz электрон почтасига ёки @tanlov2020 телеграм манзилига юборишлари лозим.